

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**



**Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази  
“Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши тингловчиси  
ТУРСУНБЕКОВ ХУДАЙБЕРДИНИНГ**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ХУДУДИЙ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУАММОЛАРИ  
(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**мавзусидаги**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Илмий раҳбар: Е.В.Коленко**

**Илмий маслаҳатчи: Х.А.Каримов (PhD)**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ХУДУДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ</b> .....	14
1.1. Коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларнинг тушунчаси ва шаклланиши .....	14
1.2. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари .....	39
<b>II БОБ. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ХУДУДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУАММОЛАРИ</b> 76	
2.1. Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирлар ва уларнинг ижроси .....	76
2.2. Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни амалга ошириш муаммолари .....	109
<b>III БОБ. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ХУДУДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b> .....	113
3.1. Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашишда ҳудудий чора-тадбирларни миллий қонунчилик, халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқиш .....	113
3.2. Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашишда ҳудудий чора-тадбирларни самарали амалга ошириш .....	128
<b>ХУЛОСА</b> .....	134
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	137

## КИРИШ

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.**

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қатор чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди, коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизими яратилди.

Мазкур йўналишдаги ислоҳотларни амалга ошириш давомида миллий қонунларга халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини имплементация қилиш масаласига алоҳида эътибор берилди.

Хусусан, 2008 йилда қабул қилинган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди<sup>1</sup>, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракат режасига қўшилди<sup>2</sup>.

Турли мамлакатларда давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашнинг турли йўллари мавжуд. Коррупцияга қарши курашининг нафақат кураш усуллари ва унга ажратилаётган маблағлар, балки бу соҳадаги халқаро ҳамкорлик даражаси ҳам фарқ қилади.

Коррупцияга қарши кураш дастурларини амалга оширишда юзага келадиган қийинчиликларга қарамай, аксарият давлатларнинг раҳбарлари

---

<sup>1</sup> <http://lex.uz/uz/docs/1369505>

<sup>2</sup> <https://minjust.uz/ru/press-center/news/8246/?print=Y>

халқаро ҳамкорлик зарурлигини тан оладилар ва унда иштирок этишга тайёрлар. БМТнинг собиқ Бош котиби Пан Ги Мун Халқаро коррупцияга қарши кураш куни муносабати билан 2012 йилнинг 9 декабрь куни ўз мурожаатида<sup>3</sup> коррупциянинг мамлакатларнинг иқтисодиёти ва жамияти учун аянчли қобатларига урғу қаратди.

Бош котибнинг қайд этишича: “Коррупция харажатлари бу нафақат растрата қилинган ёки ўзлаштирилган миллиардлаб доллар миқдоридagi давлат маблағлари, балки бу маблағлар ҳисобидан қурилиши зарур бўлган ҳамда оилалар ва жамиятнинг тақдирини ўзгартириш мумкин бўлган шифохоналар, мактаблар, тоза ичимлик сув таъминоти иншоотлари, йўллар ва кўприклар мавжуд эмаслигида яққол намоён бўлади. Шунингдек, Пак Ги Мун коррупциянинг сайёрамиз экологияси учун олиб келадиган таҳдидларни таъкидлади. Хусусан, “пора ва пора эвазига оғдириб олиш ҳисобига чиқиндиларни ноқонуний ташлаб юборишга, шунингдек, “яшил” стандартларга жавоб бермайдиган завод ва фабрикалар қурилишига олиб келмоқда”.

Ўз сўзида Пак Ги Мун БМТ ма’мурий раҳбари “Коррупция бу муқаррар ҳодиса эмас. Бу нодемократик озчиликнинг очкўзлиги маҳсули ва кўпчиликнинг орзу-умидларини оёқости қилиш оқибати”. У халқаро ҳамжамиятни “коррупция фош қилинадиган ва рад этиладиган, ҳалоллик тамойиллари риоя этиладиган ва миллионлаб одамларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шароит яратилган барқарор келажак сари ҳаракат қилишга чақирди. Унинг қайд этишича, “Ҳукуматлар чора-тадбирларни кўриши, фуқаролар эса уларни қўллаб-қувватлаши керак”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида<sup>4</sup> коррупцияга қарши курашиш,

---

<sup>3</sup> <https://www.vesti.ru/article/1876461>

<sup>4</sup> Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. <https://president.uz/uz/lists/view/4743>

унинг сабаб ва шарт-шароитларини олдини олиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Сўнги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали курашни ташкил этиш ва унинг олдини олиш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилди.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, масалан янги таҳрирдаги Бюджет ва Божхона кодекслари, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги, “Электрон ҳуқумат тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Парламент назорати тўғрисида”, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ва бошқа кўплаб қонун қабул қилинди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат харидлари механизмларини такомиллаштириш, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлашга доир бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат – бу коррупция балосидир. Бундай хатарга қарши курашиш мақсадида яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим”<sup>5</sup> – деб таъкидлаган

---

<sup>5</sup> “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” номли маъруза, 08.12.2016 йил, <https://president.uz/uz/lists/view/108>

эдилар.

Айнан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан<sup>6</sup> 2017 йилда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек коррупцияни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан тўлиқ бартараф этишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратишга қаратилган.

Қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари, ваколатли органлар тизими, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг мазкур соҳадаги иштироки, шунингдек халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланган.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг қўшимча ҳуқуқий кафолатларини яратиб, хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний тажовузларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклашга кўмаклашади ва натижада ишчанлик фаоллиги ўсишига ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги оширади.

Қонун қабул қилинганидан сўнг унинг ижроси юзасидан бир нечта коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурлари тасдиқланиб амалга оширилди, бу борада давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи – Коррупцияга қарши

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини киритиш ҳақида қонунчилик ташаббуси, 14.10.2016 йил, <https://president.uz/uz/lists/view/85>

курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари ташкил этилди.

Ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Президентимиз ташаббуси билан коррупцияга қарши курашиш бўйича узоқ муддатли давлат сиёсатини белгилаб берадиган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 7 декабрь куни Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида<sup>7</sup> тараққиёт кушандаси бўлган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлиги, сўнгги икки йилда ноқонуний хатти-ҳаракати билан давлатга 2 триллион сўм зарар етказган 1986 нафар мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилгани бу масала нақадар долзарб эканини кўрсатишини таъкидлаб, мазкур йўналишдаги ишларни тизимли ва комплекс давом эттириш учун **2021-2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси** устида иш олиб борилаётгани ҳамда бу масала биз учун ўта муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолишини, чунки коррупция – бу давлатимизни ич-ичидан емириб, миллий хавфсизлигимизга раҳна соладиган ғоят хатарли таҳдид ва унга қарши муросасиз кураш олиб бориш – барчамизнинг бурчимиздир деб, маълум қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ўз лавозимига киришишига бағишлаб, 2021 йил 6 ноябрь куни бўлиб ўтган тантанали маросимда<sup>8</sup> сўзлаган нутқида “Коррупцияга барҳам беришга давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситалари сафарбар этилади. Бунда айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, коррупциянинг сабабларини олдиндан бартараф этиш чоралари кўрилади”, деб таъкидлаган эдилар.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати давлат

---

<sup>7</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/3990>

<sup>8</sup> Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришди.  
<https://president.uz/uz/lists/view/4742>

дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилади<sup>9</sup>. Ушбу дастурлар қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши белгиланган<sup>10</sup>. Ушбу Қонуннинг 5-моддасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Мазкур қонундан келиб чиқиб, ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари билан бир қатор коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган Давлат дастурлари тасдиқланган ва тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда.

Шу каби, Президентнинг фармонлари билан 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини Ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича барча “Ҳаракатлар стратегия”лари ҳамда 2022 йилдаги фармони билан “Тараққиёт стратегияси”да ҳам коррупцияга қарши курашиш алоҳида йўналиши сифатида белгилаб келинмоқда.

Юқоридаги қонун, Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши томонидан йиллик ва ярим йиллик иш режалари ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга барча давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, ҳудудий кенгашлар ўз тизими ва ҳудудида коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширади.

Қайд этилган масала бир қарашда ҳаммаси яхши де кўринади. Бироқ, ҳаммаси ҳам амалиётда коррупцияни самарали бартараф этилишини имконини бермайди.

Хусусан, Давлат дастурлари ва унинг асосида соҳа ва тизимлар ўртасида, шунингдек ҳудудий дастурларни халқаро стандартлар ва хорижий

---

<sup>9</sup> “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси.

<sup>10</sup> <http://lex.uz/docs/3088008>



илғор амалиёт орқали ишлаб чиқишнинг узлуксиз механизми мавжуд эмас, бунда энг асосийси қайси маълумотлар асосида энг яхши самара берадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш, мониторинг ва назоратини амалга ошириш ва яқунда жобий натижага эришиш бўйича зарур бўлган услубиётлар мавжуд эмас.

Бу ўз навбатида яқунда бирор бир самарали натижага эришишга салбий тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадқиқот мавзуси доирасида гарчи фақат Тошкент вилоятда ҳудудий чора-тадбирларга эътибор қаратилган бўлсада, бироқ унинг келиб чиқиш манбаси бўлган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати, қабул қилинаётган Давлат дастурлари ва бошқа дастурларнинг илмий нуқтаи назардан тўғри тузилганлигини ҳам кўриб чиқиш зарурати мавжуд.

Шу каби, жойларда самарадор ва аниқ натижаларга қаратилган ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда бир қатор бошқа муаммоларни учратиш мумкин. Бунга ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда аввало мувофиқлаштириш ишларининг сустлиги, идоралараро ҳамкорликнинг етарли эмаслиги, маҳаллий даражада коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга қаратилган тадқиқот ва таҳлилларнинг мавжуд эмаслиги ёки уларга асосланмаганлиги, масъул идораларнинг бу борадаги фаолияти ёпиқ ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик фаоллигининг пастлиги ва бошқа қатор муаммоларни қайд этиш мумкин.

**Тадқиқот объекти** Тошкент вилояти мисолида коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни амалга ошириш муаммоларини ўрганиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар.

**Тадқиқот предмети** коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро стандартлар, талаблар ва тавсиялар, айрим хорижий давлатлар қонунчилиги, амалиёти, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари** Тошкент вилояти мисолида

коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни амалга оширишдаги муаммоларни бартараф қилиш борасида таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун тадқиқот давомида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

- коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини ўрганиш;

- Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни амалга оширишдаги муаммоларни ўрганиш;

- коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, назорат ва мониторингини олиб бориш жараёни ва кейинги босқичларни ўрганиш;

- коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни самарали амалга ошириш борасидаги халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ҳамда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва миллий қонунчиликка жорий этиш истиқболларини кўриб чиқиш.

**Илмий янгилиги.** Мазкур магистрлик диссертацияси коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, назорат ва мониторингни ташкил қилиш мавзусидаги назарий ва амалий манбаларга асосланган дастлабки батафсил иш ҳисобланади.

Бундан ташқари, магистрлик диссертациясида коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирлар тушунчаси, чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ижтимоий, илмий ва амалий тадқиқот натижаларидан фойдаланиш, ушбу жараёнга академик доиралар ва жамоатчиликни фаол жалб қилиш, назорат ва мониторинг натижаларидан фойдаланиш, ваколатли органлар ва бошқа ташкилотларнинг ваколатлари ёритилган.

Мазкур тадқиқот ишида хорижий олимларнинг коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирлар масаласи ёритилган фикрлари таҳлил қилиниб, “коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирлар” тушунчасига таъриф берилган, ушбу ҳудудий чора-тадбирларни тартибга

солиш соҳасидаги халқаро стандартлар ва илғор тажриба ва ушбу тушунчанинг миллий қонунчиликдаги ифодаси ёритиб берилган. Энг муҳими, коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни амалга оширишнинг долзарблиги, ўзига хос хусусияларидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

### **Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳ (таҳлил)и.**

Коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирлар мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу тушунча халқаро стандартлар, илғор хорижий тажриба ва илмий ёндашувлар асосида ўрганилаётган соҳа бўлгани сабабли бу борада халқаро ташкилотларнинг ҳужжатлари, умумий назарий манбалар, идоравий ва идоралараро ҳужжатлар мавжуд.

Жумладан халқаро ҳужжатлар сифатида БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, ИХТТ Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида Ўзбекистонга берилган тавсиялар ва мамлакатимизнинг бу борада берган ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Б.И.Исмаилов ва И.И.Насриевнинг ўқув-услубий қўлланмаси<sup>11</sup>, Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Тошкент вилояти ҳудудий кенгаши, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан қабул қилинган идоралараро ва бошқа норматив ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ҳудудий даражада кооррупцияга қарши курашиш масалалари МДХ мамлакатлари доирасида М.Ю.Спичкин<sup>12</sup>, Е.В.Ромашина<sup>13</sup>, Д.В.Бахарев, В.И.Васильев, А.Ю.Кирьянов, В.А.Пленкин, Т.Я.Хабриева ва бошқаларнинг ишларида кўриш мумкин.

---

<sup>11</sup> Б.И.Исмаилов, И.И.Насриев Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари//Ўқув-услубий қўлланма.-Т.:Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Судьялар олий мактаби. 2020.-452 б.

<sup>12</sup> М.Ю.Спичкин, Противодействие коррупции на муниципальном уровне. Выпус. квал. Работа. Екатеринбург 2018, <http://elar.uspu.ru/bitstream/uspu/9792/2/Spichkin.pdf>

<sup>13</sup> Е.Ромашина, “Реализация органами местного самоуправления мер по противодействию коррупции”, научная работа, 2013, Белгород. <https://www.prlib.ru/item/361816>

Агар Е.В.Ромашининг илмий иши ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга ошириш масалаларига, М.Ю.Спичкиннинг илмий иши муниципал даражада коррупцияга қарши курашиш масалаларига бағишланган бўлса, қолган муаллифлар давлат хизматида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини ҳуқуқий тартибга солиш, ўзини ўзи бошқариш органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида коррупция масалаларида ҳамкорликнинг айрим шакллари тадқиқ қилинган.

Бироқ, юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишларида мавзунинг умумий ва махсус жиҳатлари ёритилган ёки давлат ичидаги мустақил субъект томонидан коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни амалга ошириш ишлари таҳлил қилинган бўлсада, бироқ унитар давлат ҳудудига хос бўлган ҳудудий бирликлар томонидан коррупцияга қарши курашга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, назорат ва мониторинг каби масалалар яхлит шаклда ўрганилмаган.

Мазкур магистрлик диссертацияси коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни Тошкент вилоятида мисолида амалга ошириш муаммоларини илмий тадқиқ қилиш масалаларига бағишланган миллий дастлабки илмий тадқиқот иши ҳисобланади.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.** Тадқиқот олиб боришда қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, тизимли-тузилмавий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Ушбу тадқиқот Тошкент вилояти мисолида коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш учун хизмат қилади. Тадқиқот иши жойларда ҳудудий коррупцияга қарши чора-тадбирлар тушунчаси, ишлаб чиқиш тартиби ҳамда усулларининг назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари, аҳамиятини ўрганишда фойдали кўрсатма бўлади.

Шунингдек, диссертацияни соҳадаги дастлабки илмий-назарий манба сифатида баҳолаб, унинг натижаларидан янги тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва айниқса унинг ҳудудий кенгашлари фаолиятида чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланишга ва бу соҳадаги фаолиятни такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Магистрлик диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Диссертациянинг ҳажми 143 бетдан иборат.

# **I БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ҲУДУДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

## **1.1. Коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларнинг тушунчаси ва шаклланиши**

Коррупция – бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллат. Коррупция демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жинойтчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.

Коррупция муаммоси сиёсий тузилиши ва иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъи назар, замонавий дунёнинг барча мамлакатларига хосдир. Коррупциявий фаолият доимо давлатдаги ички ҳодиса ёки ҳар бир мамлакат учун “Ўз Ватанининг шахсий муаммоси” сифатида қаралган.

Аммо XX-асрнинг охирига келиб, жаҳон сиёсий жараёнларининг глобаллашуви билан бирга коррупция халқаро тусга кириб, ҳал қилиш учун жаҳон ҳамжамиятининг консолидациялашган позициясини талаб қиладиган муаммога айланади. Буни тасдиғи сифатида БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциянинг муқаддимасида – коррупция эндиликда локал муаммодан бутун жамият ва барча мамлакатлар иқтисодиётига дахл қиладиган ва бу билан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг жуда муҳим аҳамиятини белгилайдиган трансмиллий ҳодисага айланганлигини кўришимиз мумкин<sup>14</sup>.

Ўз тарихида ҳокимият органларида коррупцияга дуч келмаган давлат мавжуд эмас. Шу билан бирга, айрим мамлакатлар учун коррупцияга қарши курашиш вазифаси ниҳоятда долзарб бўлса, бошқалар учун эса ҳокимият тузилмаларида илдиз отган коррупция фактининг ўзи (шунингдек, унинг

---

<sup>14</sup> БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси. <https://lex.uz/docs/1461329>

жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида намоён бўлиши) қандайдир даҳшатли ва ман этилган нарса сифатида қаралмайди. Баъзи давлатларда коррупция амалга оширилаётган ислохотларни фалаж қилади ва ривожланишни секинлаштиради, бошқаларида эса ҳукуматдаги коррупция ҳолатлари шунчалик кам учрайдики, уларнинг содир этилиши жамият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ларзага солади. Содда қилиб айтганда, коррупциянинг нафақат даражаси, балки унга муносабат ҳам урф-одатлар, анъаналар, иқтисодий тараққиёт даражаси, давлатда сиёсий эркинликларнинг мавжудлиги ва бошқа кўплаб шартларга қараб фарқланади.

Айни вақтда давлат бошқарувидаги коррупцияни “Шимол” ва “Жануб” ўртасидаги тенгсизлик, халқаро терроризм ва шу каби инсониятнинг глобал муаммолари билан бир қаторга қўйиш мумкин қийин. Коррупциянинг бу муаммоли жиҳати бироз бошқача характерга эга.

Уни тушуниш учун БМТнинг собиқ Бош котиби Кофи Аннан томонидан коррупциянинг хусусиятига берилган тавсиф<sup>15</sup> жуда муҳим: “Коррупция жамият ҳаётининг турли соҳаларига ҳалокатли таъсир кўрсатадиган маккор касалликдир. У демократик тамойиллар ва қонун устуворлигига путур этказди, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, иқтисодиётга зарар этказди, ҳаёт сифатини пасайтиради, уюшган жиноятчилик, терроризм ва инсон ҳавфсизлигига таҳдид соладиган бошқа таҳдидларнинг гуллаб-яшнашига имкон беради”.

Ҳақиқатдан ҳам, ушбу тушунча орқали коррупция, замонамизнинг кўплаб глобал муаммолари учун озуқавий муҳит бўлиб, ушбу муаммоларни самарали ҳал қилиш учун ҳалақит берувчи ўзига хос тўсиқ вазифасини бажаради.

Шубҳасиз, давлат ҳокимияти органларидаги коррупция муаммоси бошқарув самарадорлиги билан узвий боғлиқ. Самарадорликни ошириш учун сиёсий қарорларнинг икки томонлама “юқоридан” ва “пастдан” назорат

---

<sup>15</sup> В.А.Суханов. Международное сотрудничество в борьбе с коррупцией в органах власти - Москва, 2015.- 186 с.

қилиш зарур. Назоратнинг биринчи тури учун давлат бошқарувида тийиб туриш ва мувозанатнинг ривожланган тизими зарур бўлса, иккинчиси учун ривожланган фуқаролик жамияти муҳим.

Президент ўз нутқида “Сўнгги беш йилда коррупцияга қарши курашни давлат сиёсати даражасига олиб чиқдик. Шу мақсадда Сенат раиси раҳбарлигида Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ташкил этилди. Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Бундан буён ҳам тараққиёт кушандаси бўлган ушбу иллатга барҳам беришга давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситаларини сафарбар этамиз.

Бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, тизимли превентив чораларни кўриш зарур. Шу асосда коррупциянинг нафақат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар амалга оширилади.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, коррупция балосига қарши фақат давлат-ҳуқуқий чоралар билангина курашиб бўлмайди. Бунинг учун бутун жамиятимизда, аввало, ёшлар онгида бу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, барча соғлом кучларни бирлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга”.

Илмий ишимизнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш воситаларига алоҳида тўхтатлиб ўтсак.

Коррупцияга қарши курашиш, уни юзага келтирувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган узоқ муддатли давлат сиёсатининг асосий воситаси бу коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси ҳисобланади. Миллий стратегияси бошқарув ва давлат тузилиши шаклларини ҳисобга олиши, ҳокимиятнинг миллий, минтақавий ва ҳудудий даражаларини қамраб олади. Ҳар қандай давлатнинг коррупцияга қарши миллий стратегияси ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ва кадрлар салоҳиятини доимий равишда такомиллаштириладиган чора-тадбирлар тизими бўлиши керак.



Коррупцияга қарши кураш стратегияси – бу давлат ва жамият томонидан ушбу давлат томонидан қабул қилинган конституциявий тузум асослари доирасида коррупцияга олиб келадиган ҳамда жамият ҳаётининг турли соҳаларида коррупцияни озиклантирадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ёки минималлаштириш учун ҳар томонлама ва тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва доимий равишда амалга оширишдан иборат.

Коррупцияга қарши миллий стратегия тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) коррупцияни давлат хавфсизлигига тизимли таҳдид солувчи хавф деб тан олиш. Мазкур иллатга қарши курашиш элементлари аввалдан ҳам миллий қонунчилигимизнинг айрим ҳужжатларида акс этган бўлсада, коррупцияни мамлакатимиз тараққиёти учун асосий хавфлардан бири эканлиги тан олинмаган ва унга қарши курашиш асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий фаолияти деб қаралган.

Мамлакатимизда коррупцияни давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи хавф деб тан олиш амалиёти албатта мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони<sup>16</sup> билан мамлакат ривожланишининг бугунги босқичида коррупция Ўзбекистон давлати ва жамияти тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлиги қайд этилган.

Фармон билан коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгиланди.

---

<sup>16</sup> <https://lex.uz/docs/5495529>

Шу каби, Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигига коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун барча куч ва воситаларни сафарбар этиш вазифаси юклатилди.

2) коррупцияга қарши курашишнинг тизимлилиги. “Олдини олиш» ва «профилактика» тушунчаларининг маъноси бир бирига жуда яқин. Шу билан бирга коррупцияга қарши курашиш миллий стратегиясида коррупцияга қарши кураш масаласининг ажратиб олиниши уни фақат Жиноят кодекси ҳамда алоҳида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки хавфсизлик органларининг ҳаракатлари ҳажми билан чегараланиб қолмайди. Миллий стратегия коррупция барча ҳолатларининг таъсирини камайтириш (минималлаштириш) ёки йўқ қилишни таклиф қилади. Коррупцияга қарши миллий стратегия давлатнинг коррупцияга қарши курашишга қаратилган узоқ муддатли ва ҳар томонлама характерга чора-тадбирлар тизимини таклиф қилади. Бу билан коррупция амалиётига коррупцияга қарши курашиш тизими қарама-қарши қўйилади.

3) коррупцияга қарши сиёсатнинг узоқ муддатли характерга эга эканлигини инобатга олиб, коррупцияга қарши асосий чора-тадбирларнинг узлуксизлиги таъминланганлиги. Дарҳақиқат айрим коррупцияга қарши вазифа ва чора-тадбирларни амалга ошириш учун узоқ муддат талаб этилади. Масалан, жамиятда коррупциявий хулққа нисбатан тоқатсизлик муносабатини шакллантириш бир ой ёки бир йил оралиғида эришиб бўлмайди ва фуқароларнинг бир неча авлоди билан тегишли тадбирларни олиб боришни тақозо этади.

4) коррупцияга қарши қоидаларнинг қонун, миллий стратегия, давлат дастурлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳаттоки маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ҳужжатлари билан билан мувофиқлаштириб олинганлиги. Бу масала мамлакатда коррупция даражасини камайтиришга қаратилган қоидаларнинг давомийлигини таъминлашга хизмат қилиб, аксинча қоидаларда қарама-қаршилиқни олдини олишга ва ҳуқуқ тизимининг

бутунлиги таъминлашга хизмат қилади.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида<sup>17</sup> коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати **давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида** амалга оширилади, ушбу дастурлар Қонун қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича **комплекс ва тизимли чора-тадбирлар** кўриш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади, деб белгиланган.

Миллий қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида дастурлар турли номларда, масалан “режа”, “дастур”, “давлат дастури”, “комплекс режа”, “чора-тадбирлар”, “йўл харитаси” ва бошқа номлар билан ишлатилмоқда.

Бироқ, мазкур “дастурлар”нинг асл маъносини билиш учун ва тўғри қўллаш учун уларнинг луғавий маъноларини кўриб чиқишимиз керак.

Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”<sup>18</sup>да “дастур”, “программа”, “режа”, “чора”, “комплекс”, “стратегия” каби сўзларнинг изоҳлари берилган.

**Дастур** (*ф. – йўл-йўриқ, кўрсатма, тартиб-қоида*) – муайян мақсад, иш-ҳаракат ёки тадбирнинг олдиндан белгилаб чиқилган йўл-йўриғи, уни амалга оширишнинг тартиби, қонун-қоидаси; программа каби маъноларни англатади<sup>19</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида<sup>20</sup> “Дастур” (Йўл харитаси)га берилган тушунчага кўра, дастур у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган тадбирлар (вазифалар, амалга ошириш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва масъул ижрочилар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар) ва механизмлар тизимини белгилайдиган ҳужжатдир.

---

<sup>17</sup> <https://lex.uz/docs/3088008>

<sup>18</sup> “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, А.Мадлиевнинг таҳрири остида, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент.

<sup>19</sup> [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20D.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20D.pdf)

<sup>20</sup> <https://lex.uz/docs/5378966>

**Программа** (юн. *programma* – эълон; кўрсатма, йўл-йўриқ) – дастлабки мазмуни “Дастур” сўзи билан айнан бўлсада, иккинчи мазмунда ҳукумат, сиёсий партия, жамоат ташкилоти ёки айрим давлат, жамоат арбоби томонидан мўлжалланган асосий вазифа ва мақсадлар баён қилинган ҳужжат деб тушунилади<sup>21</sup>.

**Режа** (ф. *kir ёйиладиган ип, арқон; саф, қатор*) – бирор ишни тартиби билан ўз вақтида бажариш олдиндан белгилаб олинган аниқ ёки тахминий мўлжал маъносига эга<sup>22</sup>.

Интернет тармоғидаги Википедияда программа атамаси (юн. *про - олд, урўца - ёзув*) “олдиндан қайд этилган”, яъни белгилаб қўйилган ҳаракатларнинг кетма-кетлиги маъносини англатади. Мазкур тушунча алгоритм тушунчаси билан узвий боғлиқ деб кўрсатилган<sup>23</sup>.

М.Ю.Спичкин ўзининг “Муниципал даража коррупцияга қарши курашиш” мавзусидаги малакавий битирув ишида<sup>24</sup> дастур ва режа атамаларига изоҳ бериб, уларни бир-биридан фарқларини ёритиб беради.

Хусусан, “Дастур (программа) – бу аниқ мақсадга эришишга йўналтирилган, самарадорлик кўрсаткичлари билан таъминланган ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуасидир.

Унинг фикрича, режадан фарқли ўлароқ, дастур мураккаб тузилишга эга бўлиб, у таҳлилий бўлим, ресурсларни баҳолаш, мақсад ва вазифаларнинг батафсил тавсифи мавжудлигини назарда тутди. Дастурнинг чоратадбирлари мураккаброқ бўлиб, алоҳида бўлимлар кичик дастурлар сифатида ажратилади ва вақт бўйича параллел равишда амалга оширилиши мумкин. Улар мақсадлар таркибига мос келади ва амалга оширишнинг баҳоланадиган самарадорлик кўрсаткичларига эга. Дастурда уни амалга ошириш ва назорат қилиш механизми тавсифланади, шунингдек айрим ҳолатларда унда барқарорлик ва ташқи хавфларни баҳолаш кўрсатилади.

<sup>21</sup> [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20P.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20P.pdf)

<sup>22</sup> [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20R.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20R.pdf)

<sup>23</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D1%80%D0%BE%D0%B3%D1%80%D0%B0%D0%BC%D0%BC%D0%B0>

<sup>24</sup> <http://elar.uspu.ru/bitstream/uspu/9792/2/Spichkin.pdf>

**Чора** (ф. – *ёрдам бериш йўли; дори-дармон; пул; қутулиш йўли*) – дастлабки маъноси бирор ишни, мақсадни амалга ошириш рўёбга чиқариш ёки унинг олдини олиш учун пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган тадбирлар мажмуи; илож, тадбирни<sup>25</sup> англатади.

**Тадбир** (а. – *бошқариш, идора қилиш; тежамкорлик; чора, илож, йўл-йўриқ; ҳаракат тарзи*) – амалга ошириш, рўёбга чиқариш учун йўл-йўриқ ва чора<sup>26</sup>.

**Комплекс** (лот. *complexus* – *алоқа, боғланиш; қўшиб, қамраб олиш*) – бир бутунни ташкил қилувчи нарсалар, ҳодисалар, белги-хусусиятлар мажмуи, йиғиндиси<sup>27</sup>.

Википедиядаги “комплекс” сўзига берилган изоҳда (лот. *complex* – *алоқа, боғлиқлик; лот. complexus* – *боғланиш*) – умумий мақсадга қаратилган ва маълум бир умумий мақсадга жавоб берадиган бир нарсанинг умумий, биттага бирлашган тизими<sup>28</sup>, - деб қайд этилган бўлиб, комплекс сўзини инсоният ҳаётининг турли соҳаларида сўз бирикмаси сифатида фойдаланиш мумкин.

**Стратегия** (юн. *strategia* = *stratos* – *қўшин* + *ago* – *бошлаб бораман*) – кўчма маънода ижтимоий сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати, шунингдек, умуман, бошқарувни тўғри ва истиқболли режалаштириш санъати<sup>29</sup> каби маъноларни англатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида “стратегия” мамлакат ёки муҳим тармоқларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларини белгилайган ҳужжат эканлиги қайд этилган<sup>30</sup>.

Википедиядаги эркин энциклопедияда **стратегия** атамасига берилган тушунчада стратегия (қад. юн. *στρατηγία* – *саркарда санъати*) – ҳарбий

<sup>25</sup> [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20Ch.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20Ch.pdf)

<sup>26</sup> [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20T.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20T.pdf)

<sup>27</sup> [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20K.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20K.pdf)

<sup>28</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%BE%D0%BC%D0%BF%D0%BB%D0%B5%D0%BA%D1%81>

<sup>29</sup> [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20S.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20S.pdf)

<sup>30</sup> <https://lex.uz/docs/5378966>

ишларда умумий ва деталлаштирилмаган режа, узок муддатларни, мураккаб мақсадларга эришиш усулларини қамраб олган маъноларни англантиши, кейинчалик ушбу тушунча инсоннинг бирор бир фаолиятига қўлланила бошлаганлиги қайд этилган<sup>31</sup>. Стратегиянинг вазифаси асосий мақсадга эришиш учун мавжуд бўлган ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Яъни, ҳаракат усули сифатида стратегия айниқса асосий мақсадга бевосита эришиш учун етарли ресурслар мавжуд бўлмаган вазиятда зарур бўлади.

Юқорида келтирилган атамалар изоҳидан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашишда миллий даражада ёки ҳудудий, маҳаллий, соҳавий, идоравий даражаларда қўйилган мақсадларга қараб, улардан куйидагича фойдаланишга қаратилган фикрларни юритишимиз мумкин.

**- миллий даражада узок ва ўрта муддатлар учун қабул қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларга – стратегия ёки миллий стратегия (масалан, 2015-2025 йиллар учун Қозоғистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш стратегияси<sup>32</sup>, Буюк Британиянинг 2017-2022 йиллар учун Коррупцияга қарши курашиш стратегияси<sup>33</sup>, Эстонияда 2013-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича стратегия<sup>34</sup>, АҚШнинг 2021 йилдаги Коррупцияга қарши стратегияси<sup>35</sup>, Россия Федерациясида Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси<sup>36</sup> ва ҳ.к.);**

**- миллий даражада ўрта ва қисқа муддатлар учун қабул қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларга – давлат дастури, миллий дастур, миллий режа (масалан, Ўзбекистонда – 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат**

---

<sup>31</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A1%D1%82%D1%80%D0%B0%D1%82%D0%B5%D0%B3%D0%B8%D1%8F>

<sup>32</sup> Қозоғистон Республикаси Президентининг расмий сайти. [https://www.akorda.kz/ru/legal\\_acts/decrees/ob-antikorrupcionnoi-strategii-respubliki-kazahstan-na-2015-2025-gody](https://www.akorda.kz/ru/legal_acts/decrees/ob-antikorrupcionnoi-strategii-respubliki-kazahstan-na-2015-2025-gody)

<sup>33</sup> <https://www.gov.uk/government/publications/uk-anti-corruption-strategy-2017-to-2022>

<sup>34</sup> [https://www.korruptsioon.ee/sites/www.korruptsioon.ee/files/elfinder/dokumentid/strategiya\\_po\\_borbe\\_s\\_korruptsией\\_v\\_2013-2020\\_gg.pdf](https://www.korruptsioon.ee/sites/www.korruptsioon.ee/files/elfinder/dokumentid/strategiya_po_borbe_s_korruptsией_v_2013-2020_gg.pdf)

<sup>35</sup> <https://www.whitehouse.gov/wp-content/uploads/2021/12/United-States-Strategy-on-Countering-Corruption.pdf>

<sup>36</sup> <https://rg.ru/documents/2010/04/15/nacstrategiya-dok.html>

дастури<sup>37</sup>, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури<sup>38</sup>, 2015-2025 йиллар учун Қозоғистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2018-2020 йиллар учун чора-тадбирлар режаси<sup>39</sup>, Россия Федерациясида – 2021-2024 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш миллий режаси<sup>40</sup> ва ҳ.к.);

- **худудий (минтақавий) даражада қабул қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларга** – чора-тадбирлар дастури, “Йўл харитаси” (масалан, Тошкент вилоятида 2021 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича йўл харитаси, Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашиш, бюджет маблағларининг ҳамда ерларнинг талон-торож қилинишининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бўйича 2022 йилга мўлжалланган йўл харитаси, Красноуфимск шаҳар округида (РФ) 2021-2023 йиллар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар режаси<sup>41</sup>, Ирбит шаҳар ҳокимлигининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши кураш бўйича ҳаракатлар режаси<sup>42</sup> ва ҳ.к.);

- **соҳавий даражада қабул қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларга** – чора-тадбирлар режаси, чора-тадбирлар дастури, Йўл харитаси ва ҳ.к. (масалан, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 05.04.2022 йилдаги 7-сонли баённомаси<sup>43</sup> билан тасдиқланган “Капитал қурилиш соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”, Олий таълим соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”, Соғлиқни сақлаш тизимида

---

<sup>37</sup> <https://lex.uz/docs/3105125>

<sup>38</sup> <https://lex.uz/docs/5495529>

<sup>39</sup> Қозоғистон Республикаси Президентининг расмий сайти. [https://www.akorda.kz/ru/legal\\_acts/decrees/ob-antikorrupcionnoi-strategii-respubliki-kazahstan-na-2015-2025-gody](https://www.akorda.kz/ru/legal_acts/decrees/ob-antikorrupcionnoi-strategii-respubliki-kazahstan-na-2015-2025-gody)

<sup>40</sup> <https://base.garant.ru/402619978/>

<sup>41</sup> <https://go-kruf.midural.ru/article/show/id/10197>

<sup>42</sup> <https://moirbit.ru/obschestvo/obschestvennaya-bezopasnost/protivodeystvie-korrupsii/plan-protivodeystviya-korrupsii/>

<sup>43</sup> Коррупцияга қарши курашиш агентлиги расмий сайти. <https://anticorruption.uz/uzc/item/milliy-kengash-hujjatlari>

“Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”, Давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларда мўлжалланган “Йўл харитаси”, Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича “Йўл харитаси” ва ҳ.к.);

**- идоравий даражада қабул қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларга** – режа, дастур, дастур, йўл харитаси ва ҳ.к. (масалан, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси раиси ва Транспорт вазири томонидан 15.03.2020 йилда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тизимида 2020 йилда коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 20.02.2019 йилдаги 63-сон буруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш дастури<sup>44</sup>, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат божхона қўмитасининг 2021-2022 йилларга мўлжалланган Дастури<sup>45</sup> ва ҳ.к.).

Илмий жиҳатдан чора-тадбирларни амалга оширишда дастур усулидан фойдаланиш қуйидаги асосий афзалликларини эътироф этиш мумкин:

- муаммони ҳал қилиш, мақсад ва вазифаларга эришишнинг комплекслиги;

- вақт, молиявий ва инсон ресурсларининг концентратциялашгани;

- чора-тадбирлар устуворлиги, кетма-кетлиги ва уларни амалга ошириш муддатлари белгиланганлиги;

- аниқ кетма-кетликдаги якуний мақсадга эришишга қаратилган дастурда назарда тутилган хар хил характердаги тадбирларнинг интеграцияси таъминлангани;

---

<sup>44</sup> Адлия вазирлиги расмий сайти. <https://minjust.uz/uz/anticorruption/documents/>

<sup>45</sup> Давлат божхона қўмитаси расмий сайти. [https://customs.uz/uploads/390d852a-3b8f-5ad3-266e-382a39d414e3\\_media.pdf](https://customs.uz/uploads/390d852a-3b8f-5ad3-266e-382a39d414e3_media.pdf)



- дастур йўналишлари бўйича ишлаб чиқиладиган комплекс чора-тадбирларнинг мавжуд ва режалаштириладиган молиявий ресурслар билан ўзаро боғланганлиги;

- бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш;

- соҳани янада ривожлантириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратилгани.

Худудий даражада коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш ва дастурий жиҳатдан расмийлаштиришга ягона ёндашув мавжуд эмас (ҳужжатларнинг номлари - режалар ва дастурлар; ва уларнинг амал қилиш хронологик муддати - узоқ муддатли, ўрта муддатли, қисқа муддатли ва аниқ чора-тадбирлар мажмуи – сон ва сифат). Шу муносабат билан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан коррупцияга қарши курашишни режали ва дастурий жиҳатдан тартибга солишнинг мақбул худудий модели сифатида, стратегик характердаги дастурларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини жорий режалар аниқ ижро механизмларини кўрсатган ҳолда режалаштириш таклиф этилади.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-1-моддасида жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган худудий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларига киритилган<sup>46</sup>.

Бироқ, Қонунда Худудий кенгашларнинг ваколатлари, шу билан бирга қайси орган томонидан коррупциянинг олдини олишга қаратилган худудий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиши кўрсатилмаган.

Мазкур масала Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 19.08.2021 йилдаги 4-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш худудий кенгашлари тўғрисида”ги Низомда Худудий

---

<sup>46</sup> <https://lex.uz/docs/3088008>

кенгашнинг асосий вазифаларига коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат ва бошқа дастурларнинг амалга оширилишини ташкил этиш юклатилган.

Шу билан бирга, мазкур намунавий низомнинг 5-бандида Худудий кенгашга жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган худудий дастурлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш мажбурият тарзида юклатилган.

Шуни қайд қилиш керакки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан коррупцияга қарши дастурлар ва режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жуда машаққатли ва узок давом этадиган жараён бўлиб, улар мазмунан турлича ва кўпинча ўхшаш шаклга эга бўлиши бўлиб, бу ҳолат кўйидаги кўплаб омиллар билан боғлиқдир:

1. Худуднинг мақоми (аҳоли сони, худуддаги мансабдор шахслар ва хизматчилар сони);
2. Худуднинг иқтисодий ривожланганлиги;
3. Давлат органлари томонидан ўрнатилган назорат даражаси;
4. Маҳаллий ҳокимият органларидаги ижтимоий-психологик муҳит ва бошқа омиллар.

Коррупцияга қарши кураш режалари ёки дастурлари қоида тариқасида жадвал шаклида ва бир нечта асосий бўлимларга ажратилган ҳолда тузилади:

- коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари;
- масъул ва қўшимча ижрочилар;
- молиялаштириш манбалари;
- кутилаётган натижа;
- бажариш муддати;

1. Коррупцияга қарши курашиш бўлимларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг асосий йўналишлари кўрсатилади ва ҳар бир бўлимга тааллуқли бўлган чора-тадбирлар билан мустаҳкамланади.

Бўлимлардаги бундай йўналишлар ва ушбу соҳада амалга ошириладиган чора-тадбирларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1.1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ва ташкилий масалаларни таъминлаш:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида асосий қонунлар ва у билан боғлиқ бўлган қонунчилик ҳужжатлари асосида маҳаллий даражада ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича мақсадли идоравий дастурларни ишлаб чиқиш зарурияти масаласини ўрганиш;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида ваколатли органлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлар билан ҳамкорликни таъминлаш масалалари;

- Худудий кенгашлар мажлислари ёки ваколатли органларнинг тезкор йиғилишларда жиноий, маъмурий ва бошқа судларнинг давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ноқонуний норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарорлари натижалари бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалаларини кўриб чиқиш.

1.2. Коррупцияга қарши курашиш мақсадларида маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органларининг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш:

- худудий даражадаги органлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг шаффоф ва очиқ маъмурий регламентларини ишлаб чиқиш;

- коррупция хавфи юқори бўлган давлат хизматларининг реестрини шакллантириш ва юритиш;

- маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджет ва фонд маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши юзасидан текширувлар ўтказиш;

- давлат харидларини амалга ошириш соҳасида товар етказиб бериш, ишларни бажариш амалиётни таҳлил қилиш, камчиликларни аниқлаш ҳамда натижалари бўйича давлат эҳтиёжлари учун хизматлар кўрсатиш буюртмаларни жойлаштиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

1.3. Кадрлар фаолиятида коррупцияга қарши тадбирларни кучайтириш:

- маҳаллий ижро ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари ва умумэтироф этилган хулқ-атвор қоидаларига риоя этилишини мониторинг қилиш ва йиғилишларда муҳокама қилиш;

- маҳаллий ижро ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари ходимларнинг даромадлар, мол-мулк ва мулкый характердаги мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этиш, қонун билан юклатилган таъқиқ ва чекловларга риоя этилишини назорат ва мониторингини амалга ошириш;

- манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш бўйича ишларни олиб бориш;

1.4. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш:

- маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ очиқлигини таъминлаш;

- коррупцияга қарши курашувчи, маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органларининг коррупцияга қарши фаолияти мониторинги таҳлили натижаларини очиқ ҳолда жойлаштириш.

Юқоридагилардан ташқари, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий режа ва дастурларда тадбирларнинг янада самарали бўлиши учун қуйидагиларни қўшимча киритиш мумкин.

1) маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилот ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълимни олиб бориш (маърузалар, семинарлар, маслаҳатлар);

Ушбу тадбирлар давомида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг

салбий оқибатлари, қўлланиладиган ёки аниқ мисоллар асосида қўлланилган жазо чоралари, коррупция ҳолатлари бўйича хабар бериш, рағбатлантириш, хизматчилар учун ўрнатилган таъқиқ ва чекловлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини тартибга солиш ва бошқа мақсадли маълумотларни етказиш.

2) телевидение, ва радиоэшиттиришлар, махсус интервьюлар, босма оммавий ахборот воситаларида коррупцияга қарши тарғиботни ташкил этиш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган ижтимоий рекламаларни жойлаштириш, барча давлат органларининг расмий веб-сайтларида коррупцияга қарши курашиш бўлимларини яратиш ва доимий равишда янгилаб бориш;

Мазкур тадбирлар натижасида давлат ҳокимияти органларида амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш фаолияти ҳақидаги маълумотлар ушбу органлардан ташқарига, яъни ташқи ижтимоий маконга узатилиши ва билан фуқаролик жамияти ва давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви амалга оширилади.

Шу билан бирга, фуқаролардан коррупция тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш учун давлат органларининг расмий веб-сайтида электрон хабар бериш имконияти яратилади. Бундай хабар бериш воситаларига қисқа телефон рақамлари, ижтимоий тармоқлардаги ботлар имкониятидан ҳам фойдаланиш лозим.

3) Коррупцияга қарши маърифат масалалари бўйича фуқаролар билан “тўғридан-тўғри алоқалар” ташкил этиш, фуқароларни қабул қилиш жойларида “Коррупцияга қарши жамият” ахборот стендларини тайёрлаш ва жойлаштириш.

Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида коррупцияга оид фактлар юзасидан хабар бериш ва қайта алоқа ўрнатиш имконини берадиган очиқ интернет ресурсларини яратиш;

Қайд этилган чора-тадбирлар маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органларининг ўзида ва ҳудудда яшовчи фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳамда комплекс шаклда амалга

оширилиши керак. Шубҳасиз, коррупция феномени жамиятда пайдо бўлганлиги ва фақат унинг иштироки билан бартараф этилиши мумкинлиги сабабли муҳим ҳисобланади.

2. Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш учун масъул ижрочилар уларнинг фаолият йўналишларига қараб режа билан белгиланади.

3. Амалга оширилган чора-тадбирларнинг кутилаётган натижалар давлат дастурлари. Миллий кенгаш қарорлари билан тасдиқланган тадбирларда белгиланган коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мувофиқ бўлиши керак.

Коррупцияга қарши кураш режаларига киритилган тадбирлардан кутилаётган энг мазмунли натижаларни ажратиб оламиз:

- фуқаролар, маҳаллий ҳокимият, давлат бошқаруви органлари ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошганлиги, коррупцияг нисбатан муросасиз муносабат шаклланганлиги;

- коррупция хавфлари ва омилларининг аниқланиши, олдини олиниши ва бартараф этилиши;

- коррупция хавф-хатарларининг камайтирилиши;

- маҳаллий бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши таъминланганлиги ва бошқалар.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш. Коррупцияга қарши кураш дастури:

1) Коррупцияга қарши курашиш бўйича мақсадли дастурнинг паспорти.

Дастурнинг мазкур бўлими қуйидагиларни қамраб олган кириш қисмидан иборат бўлади:

Дастурни амалга ошириш муддати – тахминан 2-3 йил.

Дастурни ишлаб чиқувчи ва буюртмачининг маълумотлари, одатда Худудий кенгаш ёки Миллий кенгаш бўлиши мумкин.

Амалиётда кўп ҳолатларда худудий кенгашларнинг коррупцияга қарши

курашиш дастурлари мақсади ўхшаш:

- коррупциянинг олдини олиш тизимини яратиш;
- коррупция даражасини унинг тадбиркорлик фаолиятининг қонунийлиги ва самарадорлигига, давлат органлари фаолиятига, ҳудуддаги фуқароларнинг қондалик ҳаётига таъсирини камайтириш;
- фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини коррупция кўринишларидан ҳимоя қилишни таъминлаш;
- давлат хизматларини кўрсатиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг функцияларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда коррупция даражасини пасайтириш.

Дастурни молиялаштириш манбалари ва ҳажми.

Энг аввало, дастурни молиялаштириш ҳажми тўғридан-тўғри маълум бир ҳудуд бюджетининг имкониятлари, у ердаги коррупция даражаси, дастур вазибаларини бажаришга қаратилган чора-тадбирлар ҳажми ва дастурни амалга ошириш муддатлари билан боғлиқ.

Дастурни амалга оширишдан кутилаётган якуний натижалар. Якуний натижалар рўйхатига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фуқаролик жамиятининг маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органларига бўлган ишончнинг мустаҳкамланиши;
- ҳудудий давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидаги коррупция хавфларининг камайиши;
- демократик институтларнинг заифлашув хавфининг камайтириши ва жамоатчилик назорати субъектларининг нуфузи ортиши;
- бюджет харажатлари оптималлаштирилиши;
- коррупция даражасини пасайтириш орқали бизнес юритиш харажатларининг камайиши;
- инвесторларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўлган ишонч даражасининг оширилиши ҳисобига ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги ортиши;
- жамиятнинг коррупция кўринишларига нисбатан муросасиз

муносабатнинг шаклланиши;

- аҳоли учун давлат хизматларини кўрсатиш сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларининг оширилиши;

- аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам тизимининг тартибга солиниши ва бошқалар.

### **Дастурнинг мақсадли индикаторлари (кўрсаткичлари).**

Ушбу кўрсаткичлар сифатида қабул қилинган коррупцияга қарши курашиш дастурининг самарадор ёки самарасиз эканлигига:

- ҳисобот даврида ҳудудда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумий сонидан коррупцияга қарши экспертизадан ўтган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари улуши (%);

- коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилган ҳудудий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда (лойиҳаларда) аниқланган коррупция омилларидан бартараф этилган миқдори улуши (%);

- даромадлар, мол-мулк ва мулкӣ характердаги мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларнинг тақдим этган ҳудуддаги ходимларнинг мониторингдан ўтказилганлик улуши (%);

- ҳудудларда давлат хизматларини электрон шаклда кўрсатилишининг кўрсаткичи билан кўрсатилган умумий хизматлар сонидаги улуши (%);

- ҳудудда давлат харидларини амалга ошириш соҳасида қонун бузилишлари тўғрисидаги шикоятларнинг умумий сонидан асосли шикоятларнинг улуши (%);

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ўқитилган ва малакаси оширилган ходимларнинг сони (ўтган йил билан солиштириш);

- коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўтказилган тадбирлар сони (ўтган йил билан солиштириш);

- ҳисобот даврида фуқаролардан келиб тушган шикоят ва мурожаатларнинг умумий сонидан аниқланган коррупцияга оид фактларнинг улуши (%);



– ҳудуддаги коррупцияга қарши курашишга ваколатли органлар, Худудий кенгаш сайтларида коррупцияга қарши кураш дастури ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботнинг жойлаштирилиши.

2) Муаммонинг мазмуни ва уни дастур ёрдамида ҳал қилиш заруратининг асосланганлиги.

Худудий даражада коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларда ушбу бўлимнинг мавжудлиги муҳим ҳисобланади. Бўлимнинг номланиши турлича бўлиши мумкин, аммо моҳиятидан коррупциянинг салбий оқибатлари билан боғлиқ ҳолда дастурни қабул қилиш зарурати аниқлаш керак.

Одатда, ушбу бўлим коррупциянинг давлат даражасида асосий муаммо сифатида тавсифлашдан бошланади ва кейин ушбу муаммонинг маҳаллий даражадаги аҳамияти қайд этилади.

3) Дастурнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан асосланганлиги (миллий, идоравий ва маҳаллий даражада қабул қилинган ҳужжатлар билан).

4) Дастурни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари самарадорлигини баҳолаш.

Албатта, Худудий кенгашлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилган дастурларини амалга ошириш натижасида юқори самардорлик ва натижадорликка эришишга интилади.

5) Коррупцияга қарши курашиш дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар.

Бир қатор дастурларни ўрганиш коррупцияга қарши чора-тадбирларни уларнинг мақсади ва йўналишига қараб гуруҳлаш имконини берди.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш.**

Коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар орасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш алоҳида муҳим ўрин тутди.

## **Коррупцияга қарши мониторинг.**

Коррупцияга қарши курашиш мониторинги мақсадларини иккига бўлиш мумкин:

Биринчи мақсад, коррупцияга қарши кураш дастурини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширилишини таъминлаш:

- а) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни статистикасини юритиш;
- б) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа актларни таҳлил қилиш;
- в) коррупциянинг намоён бўлиши юзасидан тадқиқотлар, сўровлар, экспериментлар ўтказиш, тўпланган маълумотларни қайта ишлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Иккинчи мақсад, коррупцияга қарши кураш фаолиятини амалга ошириш самарадорлигини баҳолашни таъминлаш:

- а) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш ва жавобгарликни таъминлаш чоралари, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликлар натижасида этказилган зарарни қоплаш чоралари қўлланилишини ва унинг натижаларини мониторинг қилиш;

- б) коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги вазиятнинг келгусидаги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари прогнозларини ишлаб чиқиш.

Миллий кенгашнинг қарори билан қабул қилинган “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари тўғрисида”ги Низом билан Ҳудудий кенгашларга:

- коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш;

- ҳудудларда давлат ва хўжалик бошқаруви соҳаларида замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш ва уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш ишларини кузатиш;

- Ҳудудий кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ва мониторингни амалга ошириш каби вазифалар ва мажбуриятлар юклатилган.

Коррупцияга қарши мониторингни ўтказиш мақсадлари ва уларга эришиш усуллари ҳақида сўз кетганда, қуйидаги муҳим масалани таъкидлаш жоиз: мониторинг коррупцияга қарши дастур/режани ишлаб чиқишдан олдинги жараён бўлиб, у дастур учун асосий манба ҳамда коррупцияга қарши кураш режасига киритиладиган тадбирларни танлаш мезони ҳисобланади.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши мониторингни ўтказишдан мақсад коррупцияга қарши кураш дастурига киритилган у ёки бу чора-тадбирларни амалга ошириш натижаларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини баҳолаш ҳамда келгусидаги дастурга ушбу чора-тадбирни қайта киритиш заруратини башорат қилиш деган хулосага келиш мумкин.

Ўйлаймизки, мониторинг кўрсаткичларининг бундай кўринишдаги таҳлили ўтган даврдаги кўрсаткичлар билан маълумотларни таққослаш ва келгусидаги коррупцияга қарши курашиш дастурларига янада такомиллаштирилган чора-тадбирларни киритиш фаолиятида самарали ҳисобланади.

Коррупцияга қарши мониторинг якунланлари бўйича Худудий кенгаш ёки бошқа ваколатли орган вакили томонидан “таҳлил ҳисоботи”, “тадқиқот натижалари”, “Мониторинг натижалари тўғрисида ҳисобот” каби якуний ҳужжатларни ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

**Коррупцияга қарши таълим ва тарғибот.** Коррупцияга қарши таълим ва тарғибот коррупциянинг олдини олиш чораларидан бири бўлиб, унинг таъсир доиралари ҳудуддаги давлат органлари муҳити ва мансабдор шахсларига ҳамда жамоатчилик институтларига таъсир қилади.

Бизнингча, коррупцияга қарши таълим жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб, таълим муассасаларида амалга оширилаётган турли дастурлар асосида шахсни коррупцияга қарши ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби барқарор мақсадли ўқитиш ва тарбиялаш тизимидир.

Миллий қонунчиликда коррупцияга қарши ташвиқотнинг аниқ бир таърифи мавжуд эмас. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги

Қонуннинг 16-моддаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриши, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириши, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиши, ўқув-услугий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўриши назарда тутилган<sup>47</sup>.

Мазкур Қонуннинг 17-моддага кўра, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини, шу жумладан ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради деб, 18-моддасига кўра таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади, давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади, деб мустаҳкамланган<sup>48</sup>.

Коррупцияга қарши таълимнинг мақсади коррупцияга қарши дунёқарашни шакллантириш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, шунингдек, мутахассислар учун қўшимча касбий таълимни олиб боришдан иборат бўлиб, қуйидаги 2 та воситалар ёрдамида амалга ошириш мумкин: мақсадли ўқув жараёни ва мақсадли тарбиялаш жараёни.

Коррупцияга қарши тарғиботнинг мақсади жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича маърифий тадбирларни олиб бориш, коррупция

---

<sup>47</sup> <https://lex.uz/docs/3088008>

<sup>48</sup> <https://lex.uz/docs/3088008>

фактларига нисбатан мурасизлик руҳида тарбиялашдан иборат бўлиб, уни оммавий ахборот воситалари воситасида амалга ошириш мумкин.

Коррупцияга қарши таълим ва тарғиботнинг воситаларини ошириш мумкин, бироқ у коррупцияга қарши курашишда самарали натижаларга эришиш мақсадида ўтказиш зарур бўлади.

**Коррупцияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ҳисоботлар.** Миллий кенгашнинг қарори билан тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари тўғрисида”ги Низомда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳудудий давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини ва маърузаларини эшитиш Ҳудудий кенгашининг вазифаларига киритилган бўлсада, Ҳудудий кенгашнинг ҳисоботини кўриб чиқадиган ёки эшитиб борадиган орган қонунчиликда назарда тутилмаган.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисоботлар қуйидаги босқичлардан иборат бўлган жараён:

1) давлат ҳокимияти органлари томонидан маълум давр оралиғида (йиллик, ярим йиллик, чораклик, ҳар ойлик) Ҳудудий ёки Миллий кенгашга коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш;

2) ваколатли орган томонидан тақдим этилган ҳисоботлар асосида йиллик (ёки бошқа муддатлардаги) йиғма ҳисоботни тайёрлаш;

3) йиғма ҳисоботларни умумлаштириш ва таклифлар билан Миллий кенгаш, Президент Администрацияга муҳокама учун киритишв;

4) Йиллик йиғма ҳисоботларнинг асосий қоидаларини оммавий ахборот воситаларида ва расмий веб-сайтларда эълон қилиш.

Ҳисоботларни тақдим этиш коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастуридаги якуний қоида бўлиши ва у қуйидаги саволларга жавоб бериши керак:

- дастурда белгиланган барча вазифалар тўлиқ ва кўрсатилган муддатларда тамомланганлиги?

- коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қандай натижаларга эришилганлиги?

- коррупциянинг олдини олиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар қанчалик самарадор бўлганлиги?

- аниқланган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда кейинги режалаштириш даврида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда қандай қўшимча ишларни амалга ошириш кераклиги ва бошқалар?

Илмий иш доирасида коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни таҳлил қилиш давомида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга оширишга қаратилган дастурлар, чора-тадбирларни халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба ҳамда миллий амалиётни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф этилади.

## **1.2. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси<sup>49</sup> билан 2017 йилда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратиб беради.

Қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек коррупцияни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан тўлиқ бартараф этишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратишга қаратилган.

Қонуннинг қабул қилиниши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг кўшимча ҳуқуқий кафолатларини яратиб, хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний тажовузларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклашга кўмаклашади ва натижада ишчанлик фаоллиги ўсишига ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига олиб келади.

Хусусан, Қонуннинг 5-моддасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб:

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек

---

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини киритиш ҳақида қонунчилик ташаббуси.  
<https://president.uz/uz/lists/view/85>

қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш белгиланган.

Мазкур 3 та катта йўналиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш давлат, жамият ва барча дахлдор субъектлардан улкан ишларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Сабаби қабул қилинган Қонун қанчалик яхши ва мукамал ёзилмасин, агарда унинг ижро этилишига барча дахлдор шахслар жалб қилинмаса ва унга риоя этилиши таъминламаса, қонун қоидалари қоғозда қолиб кетади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 24.01.2020 йилда Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномасида “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”,<sup>50</sup> деган сўзлари билан коррупциянинг хавфлилик даражаси ва унга қарши курашишга бирлашишимиз зарурлигини таъкидладилар.

Бу борада немис давлат ва сиёсий арбоби, Германия империясининг биринчи канцлери Отто фон Бисмаркнинг “Ёмон қонунлар ва яхши мансабдорлар билан мамлакатни яхши бошқариш мумкин, бироқ мансабдорлар ёмон бўлса ҳатто энг яхши қонунлар ҳам ёрдам бера олмайди”<sup>51</sup>, - деган сўзларини иқтибос келтириш мумкин. Гарчи мазкур итибосни айнан Бисмарк томонидан билдирилганлигига шубҳа мавжуд бўлсада, бироқ ушбу иқтибосда мантиқан тўғри фикрлар мавжудлигига шубҳа йўқ деб ҳисоблаймиз.

Қонунда қанчалик баландпарвоз гаплар янграсада, мазкур қонун

---

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий сайти. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

<sup>51</sup> <https://ru.citaty.net/tsitaty/474811-otto-fon-bismark-s-plokhimi-zakonami-i-khoroshimi-chinovnikami-vpolne-m/>



тўғридан-тўғри таъсир кучига эга эмас ва амалда коррупцияга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солишда умумий стратегик масалаларни қараб олганлиги билан ажралиб туради.

Бевосита, Қонуннинг 6-моддасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида бу фикримизнинг яққол исботидир.

Яъни, давлат дастурлари ва бошқа дастурлар Қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

Айнан, шу сабабли Қонун қабул қилинганидан сўнг бир ой вақт ўтиб, 2017 йил 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори<sup>52</sup> қабул қилинган.

Бироқ, мазкур қарор билан қабул қилинган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурига тўхталишдан аввал, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилингунига қадар амалга оширилган чора-тадбирларни қайд этиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, 2015 йил 18 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан **2015 йил учун коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган комплекс амалий ҳаракатлар режаси** (кейинчалик – Комплекс ҳаракатлар режаси) тасдиқланган.

Жами 18 та чора-тадбирлардан иборат бўлган Комплекс ҳаракатлар режаси Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишга қаратилган биринчи миллий дастур ҳисобланади ҳамда ўзида коррупция бўйича

---

<sup>52</sup> <https://lex.uz/docs/3105125>

ихтисослаштирилган ва илмий тадқиқотлар ва сўровлар ўтказиш, ўрта ва олий таълим муассасалари учун коррупцияга қарши кураш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат органлари ходимларини тайёрлаш, давлат органларида чора-тадбирлар кўриш каби тадбирларни ўз ичига олган.

Комплекс ҳаракатлар режаси жадвал кўринишида бўлиб, унда ҳар бир тадбирнинг номи, кутилаётган натижалар, амалга ошириш муддатлари ва унга масъул бўлган органлар белгилаб берилган.

Мазкур масала бўйича Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида Ўзбекистонни 3-раунд мониторинги натижалари бўйича эълон қилинган “Ўзбекистонда коррупцияга қарши ислоҳотлар” номли 2015 йил октябрь ойида эълон қилинган ҳисоботида<sup>53</sup> Комплекс ҳаракатлар режаси ҳақида қуйидаги фикрлар билдирилган.

Хусусан, ҳисоботда “Вазирлар Маҳкамаси томонидан Комплекс ҳаракатлар режасининг тасдиқлангани Ўзбекистон томонидан амалга оширилган муҳим қадам бўлди. Ўзбекистонда 2008 йилдан буён коррупцияга қарши кураш бўйича миллий режа ишлаб чиқиш ишлари давом этаётган ва 2012 йилда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш тўғрисидаги Президент фармойиши қабул қилинган. Ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган<sup>54</sup> бўлсада, яқунда фақат Комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

Ҳисоботда қўшимча қилинишича, “Комплекс ҳаракатлар режаси кенг камровли бўлмай, бир йиллик режа учун айрим тадбирларни амалга оширишга қаратилган. Режа коррупцияга қарши кураш сиёсати ва коррупциянинг олдини олишнинг айрим жиҳатлари бўйича тадбирларни ўз ичига олади.... Шу билан бирга, унинг камчилиги сафатида Режада

---

<sup>53</sup> ОЭСР, Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии  
Антикоррупционные реформы в Узбекистане, 3-ий раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. <https://www.oecd.org/corruption/acn/Uzbekistan-Round-3-Monitoring-Report-RUS.pdf>

<sup>54</sup> <https://www.gazeta.uz/ru/2013/12/26/corruption/>

коррупцияни криминализация қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек давлат харидларидаги ва судлардаги коррупцияга оид масалалар мавжуд эмас. Бундан ташқари, таълим ёки соғлиқни сақлаш каби коррупцияга кўпроқ дучор бўлган соҳалар Режада ўз аксини топмаган” деган фикрга келинган.

Мазкур фирklar билан келишиш қийин деб ҳисоблаймиз, чунки мазкур Комплекс ҳаракатлар режаси республикада коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва умуман сиёсий иродани акс этган дастлабки ҳужжат бўлиб, у кейинги янада такомиллаштирилган чора-тадбирларни амалга ошира олишимиз учун туртки бўлган.

2015 йилда Комплекс ҳаракатлар режаси ижроси тамомланганидан сўнг 2016 йил 16 январь куни Вазирлар Маҳкамаси томонидан **2016-2017 йиллар учун коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича комплекс амалий ҳаракатлар режаси** (кейинчалик – Комплекс режа) тасдиқланган.

Мазкур Комплекс режа 2015 йилдаги Комплекс ҳаракатлар режасининг давоми бўлиб, 19 та амалий чора-тадбирлардан иборат бўлган. Гарчи Комплекс режа аввалги Режада қайд этилган тадбирларни давом эттиришни назарда тутиб, уни такрорлаган бўлсада, унда бир қатор янги масалар ҳам қамраб олинган.

Хусусан, Комплекс режанинг ўзига хослиги шундан иборат бўлганки, олдинги Режа билан коррупцияни бартараф қилиш учун жорий қилинган масалаларнинг самарадорлигини мониторинг йўли билан ўрганишни ўзида мужассам этган.

Бундан ташқари, мазкур масалага ҳолис баҳо бериш учун Иқтисодий ҳамкорлик ва тарққиёт ташкилотининг (кейинчалик - ИХТТ) Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг Ўзбекистонни 4-раунд мониторинги натижалари бўйича эълон қилинган “Ўзбекистонда коррупцияга қарши ислоҳотлар” номли 2019 йил январь ойида эълон

килинган ҳисоботида<sup>55</sup> 2016 йилда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ислохотларига қуйидагича фикр берилган.

Хусусан, 2016 йилда 40 дан ортиқ вазирлик ва идораларда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоровий режалар ишлаб чиқилиб тасдиқланган, Комплекс режада ишонч телефонлари ва интернет сайтлари фаолиятини такомиллаштириш, виртуал қабулхоналар очиш, давлат хизматлари кўрсатишда шаффофликни таъминлаш, ишга қабул қилиш, суиистеъмолликка кўпроқ мойил бўлган соҳаларни аниқлаш ва ундаги хавфларни минималлаштириш, одоб-ахлоқ қоидаларини жорий этиш, коррупциянинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий саводхонлик ва хабардорликни ошириш ва бошқа шу каби коррупцияга қарши чора-тадбирлар ўз аксини топган.

Ўзбекистон томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича улкан ишлар амалга оширилганлиги ИХТТ томонидан эътироф этиб, бу соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзининг янги тавсияларини тақдим этган.

Хусусан, хавф-хатарларни баҳолашга асосланган ҳалоллик сиёсати номли тавсиянинг якунида ИХТТнинг мониторинг гуруҳи Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда, коррупция хавфларини баҳолаш жараёнига янада пухта ва тизимли характер беришни тавсия қилиб, бунда **миллий, ҳудудий, маҳаллий, соҳавий ва идоровий даражада коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш**, бунинг учун аниқ ва ягона **услубиётни** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кераклигини назарда тутилган<sup>56</sup>.

Шундай қилиб, Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинги натижалари бўйича Ўзбекистонга “Коррупция хавф-хатарларини баҳолаш

---

<sup>55</sup> ОЭСР, Борьба с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии, Антикоррупционные реформы в Узбекистане, 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. [https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf)

<sup>56</sup> ОЭСР, Борьба с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии, Антикоррупционные реформы в Узбекистане, 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. [https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf)

асосида **миллий, ҳудудий (минтақавий), маҳаллий, соҳавий (тармоқ) ва идоравий даражадаги ҳалоллик сиёсатини ишлаб чиқиш**, бундай баҳолашнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш” номли янги б-тавсия (рекомендация) берилган<sup>57</sup>.

ИХТТ томонидан берилган янги тавсияда кўриниб турибдики, мамлакатда коррупция хавф-хатарларини баҳолаш асосида **миллий (давлат даражасидаги), ҳудудий (вилоятлар, туман-шаҳар даражасидаги), маҳаллий (ўзини ўзи бошқариш органи даражасидаги), соҳавий (давлат харидлари, очиқликни таъминлаш, ишга қабул қилиш ва ҳ.к.) ва идоравий (соғлиқни сақлаш, таълим, солиқ, божхона ва бошқа тизимлар, яъни давлат органи даражасидаги) ҳалоллик сиёсатини амалга ошириш назарда тутилмоқда.**

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида **давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилишидан хабардор бўлдик**<sup>58</sup>.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8, 8-1, 9, 10, 11, 12-моддаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишига ваколатли бўлган органлар ҳақида қайд этилган:

а) коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш ваколатига:

- Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши;

- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

б) коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва

---

<sup>57</sup> <https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round-Monitoring-Report-2019-RUS.pdf>

<sup>58</sup> <https://lex.uz/docs/3088008>

бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш ваколатига:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий

жиноятларга қарши курашиш департаменти киради.

Эътиборлиси, Қонуннинг 14 ва 15-моддаларига мувофиқ ҳудди шундай ҳуқуққа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари эгадир.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонундан келиб чиқиб, ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан бевосита коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга йўналтирилган Давлат дастурлари тасдиқланган ва тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, уларга:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон қарори билан **2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури**<sup>59</sup>;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони билан **2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури**<sup>60</sup>;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш,

---

<sup>59</sup> <https://lex.uz/docs/3105125>

<sup>60</sup> <https://lex.uz/docs/4355387>

давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича **2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури**<sup>61</sup> тасдиқланган.

Шу каби, Президентнинг фармонлари билан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегия”лари<sup>62</sup> ҳамда 2022 йилдаги фармони билан “Тараққиёт стратегияси”<sup>63</sup> да ҳам коррупцияга қарши курашиш масалалари ва муаммолари алоҳида йўналиши сифатида белгиланиб, тегишли дастурларда қоидалар келтирилган.

Юқоридаги қонун, Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши томонидан йиллик ва ярим йиллик иш режалари ишлаб чиқилмоқда.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши (кейинчалик - Миллий кенгаш) ташкил этилган<sup>64</sup>.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар (кейинчалик - Ҳудудий кенгашлар) қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилиши Қонун билан белгиланган.

Миллий кенгашнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради<sup>65</sup>:

**коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини**

---

<sup>61</sup> <https://lex.uz/docs/5495529>

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>64</sup> <https://lex.uz/docs/3088008>

<sup>65</sup> “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси. <https://lex.uz/docs/3088008>

**ташкил этиш;**

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

**коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;**

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

**худудий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириш.**

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги ПФ-6013-сон Фармони билан<sup>66</sup> Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди (кейинчалик - Агентлик).

---

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони.



Президент ташаббуси ва БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талаби билан ташкил этилган Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Агентлик ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, Президентга бўйсунди ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 23.09.2020 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида “Коррупцияга қарши мурасимсиз кураш янги босқичга кўтарилди. Бу борада муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, мустақил тузилма – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди”, деб Агентликка бу борада катта ишонч ва умид берилганлигини қайд этдилар<sup>67</sup>.

Агентлик Миллий кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади ва қўйидагиларни амалга ошириш ваколатига эга<sup>68</sup>:

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиради ва амалга оширади;

ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга дахлдор бўлган қўмиталари,

---

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий сайти. <https://president.uz/uz/lists/view/3851>

<sup>68</sup> “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-1-моддаси. <https://lex.uz/docs/3088008>

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли кўмитаси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан **хамкорлик қилади;**

коррупцияга оид жиноятларни, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро обрўсига путур етказадиган коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади, унинг яқунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Олий Мажлис палаталарига ахборот беради;

коррупцияга оид жиноятлар туфайли жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланишига эришилиши устидан назоратни амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилади, ушбу тизимни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда коррупциянинг даражасини, шу жумладан ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимидаги даражасини баҳоловчи Коррупцияни идрок этиш миллий индексини тузишни ташкил этади;

давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачисининг ISO: 37001 коррупцияга қарши стандартни қўллашини назарда тутувчи талабни белгилайди;

**жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;**

коррупция ҳолатларига доир материалларни қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади;

вазирликлар ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради, давлат органларининг, оммавий ахборот воситаларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар

бўйича самарали ҳамкорлигини ташкил этади;

ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади ва бошқалар.

**Коррупция қарши курашиш давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган давлат дастурлари ва бошқа дастурлар.**

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сон қарори билан тасдиқланган **2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида**<sup>69</sup> қуйидаги 5 та бўлим ва 51 та амалий чора-тадбирлардан иборат бўлган:

I. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўлимида коррупциявий хавфи юқори бўлган муносабатларни тартибга солувчи “Давлат хизмати тўғрисида”, “Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида”, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”, “Жамоат назорати тўғрисида”, “Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги ва бошқа 10 га яқин қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни назарда тутган.

II. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўлимида жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тарғибот ишларини амалга ошириш, давлат органларининг нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклиги самарадорлигини ошириш, коррупцияга қарши курашиш масаласига доир ўқув-методик ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олган.

---

<sup>69</sup> <https://lex.uz/docs/3105125>

III. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар бўлими “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонун талабларининг ижроси ҳолатини ўрганиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш, идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, давлат органлари томонидан ўз фаолиятининг тизимли таҳлили, коррупция хавфига дучор бўлган соҳа ва йўналишларни аниқлаш, манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бошқа соҳаларида аҳоли учун адолатли шарт-шароитларни ҳамда тенг имкониятларни яратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликка қаратилган идоравий коррупцияга қарши комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ва бошқа чора-тадбирлар киритилган.

IV. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўлимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек бу борада жазонинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупциянинг ҳолати ва тенденцияларини тизимли таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликнинг таъсирчан чораларини назарда тутувчи идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг техник таъминоти даражасини ошириш, уларнинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий қилиш, ушбу органлар ва судларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ходимлар тайёрлаш ва бошқа чора-тадбирлар назарда тутилган.

V. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чоралар, тадқиқотлар ўтказиш, халқаро ҳамкорлик бўлимида Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини тартибга солиш, низомларини ва уларнинг таркибларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича чораларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг олиб бориш, ижтимоий, махсус, илмий ва бошқа тадқиқотларни ўтказиш, миллий қонунчилигини халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги бўйича инвентаризациядан ўтказиш, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрнатиш, соҳасида икки томонлама ва кўп томонлама халқаро ҳамкорликни ошириб бориш каби чора-тадбирлар назарда тутилган.

Мазкур давлат дастурининг ижроси якунлари бўйича тегишли ҳисобот тузилган<sup>70</sup>.

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган **2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури**<sup>71</sup> қуйидаги 4 та бўлим ва 35 та амалий чора-тадбирлардан иборат бўлган:

I. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўлимида аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилиш ва онг-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш, таълим муассасаларининг ўқув дастурларига коррупцияга қарши курашиш махсус курсларини киритиш, илмий, тадқиқий ва эксперт салоҳиятини кучайтириш, қисқа муддатли ўқув курсларини мажбурий равишда ўташ тартибини жорий этиш ва бошқа чора-тадбирлар белгиланган.

II. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бўлимида “Давлат молиявий назорати тўғрисида”, “Давлат ички назорати ва ички аудити

---

<sup>70</sup> Коррупцияга қарши курашиш агентлиги расмий сайти.  
<https://anticorruption.uz/uzc/item/2019/12/04/ozbekiston-respublikasi-korruptsiyaga-qarshi-kurashish-davlat-dasturining-2017-yildagi-ijrosi>

<sup>71</sup> <https://lex.uz/docs/4355387>

тўғрисида”, “Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги конун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш, парламент назорати ва коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий тизимлар самарадорлигини ошириш, устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш, коррупцияга қарши махсус тадбирларни хусусий секторга жорий этиш каби назорат тўғрисида тутилган.

III. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш бўлимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида давлат органларига ахборот бериш механизмларини такомиллаштириш, давлат органларининг ишонч телефонлари ва Call-марказлари иш самарадорлиги мониторингини таъминлаш, коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларини ва судьяларни тайёрлаш каби чора-тадбирлар белгиланган.

IV. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик бўлимида ИХТТнинг тавсияларини бажариш, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси мониторинги 2-босқичига тайёргарлик кўриш, коррупцияга қарши курашишга бағишланган халқаро форумни ўтказиш, Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Европа Кенгаши Конвенцияси (Варшава ш., 2005 йил 16 май) ва Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги МДҲнинг Кишинев конвенцияси (Кишинёв ш., 2002 йил 7 октябрь) шартномаларга қўшилиш масаласини ўрганиш каби чора-тадбирлар белгиланган.

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган **Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури**<sup>72</sup> куйидаги 5 та бўлим ва 44 та амалий чора-тадбирлардан иборат бўлган:

I. Коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш бўлимида давлат фуқаролик хизматига очик танлов асосида ишга қабул қилиш ва хизмат поғоналарида кўтарилиш механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ кодексини қабул қилиш, айбдор шахсларнинг очик электрон реестри юритиш, давлат органларида рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш, коррупциявий хавфларни баҳолаш электрон тизимини яратиш, “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларни минималлаштириш каби чора-тадбирлар қайд этилган.

II. Давлат харидлари соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўлимида “Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, давлат харидлари соҳасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва очикликни таъминлаш, бенефициарлар реестрини юритиш кабилар назарда тутилган.

III. Коррупцияга қарши курашиш тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш бўлимида давлат органларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларини ташкил этиш, Миллий кенгаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш, Агентликнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни белгилаш, илмий тадқиқотлар, ижтимоий сўровлар ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш чора-тадбирлари белгиланган.

IV. Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш бўлимида Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш, Истанбул

---

<sup>72</sup> <https://lex.uz/docs/5495529>

ҳаракатлар режаси доирасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, GRECO ва IAACAга аъзолик масалаларини кўриб чиқиш чора-тадбирлари ўрин олган.

V. Давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш бўлимида коррупцияга оид жинойтлар бўйича статистик маълумотларни очиқлаш, Антикоррупция ҳафталигини ўтказиш, давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини доимий ошириб бориш амалиётини йўлга қўйиш, коррупция ҳолатлари ҳақида тезкор хабар бериш имкониятини кенгайтириш, “Uzbekistan Anti-Corruption Digest” онлайн журналининг таъсис этиш, Агентликнинг ОАВ билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш каби чора-тадбирлар белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони<sup>73</sup> билан тасдиқланган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 10, 83 ва 84-мақсадлари бевосита давлат хизматида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига бағишланган. Уларга:

10-мақсад: Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш;

83-мақсад: Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш;

84-мақсад: Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.

Шу билан бирга, мазкур фармон билан 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланган.

---

<sup>73</sup> “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармон.  
<https://lex.uz/docs/5841063>



Мазкур “Тараққиёт стратегияси” 100 та мақсаддан иборат бўлиб, уни амалга ошириш учун тасдиқланган Давлат дастури 10 та мақсад жами 7 та бўлим ва 398 та бандга бўлинган.

Шуни қайд этиш керакки, Президентининг ҳужжатлари билан қабул қилинган коррупцияга қарши курашиш бўйича 2017-2018, 2019-2020 ва 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурлари бўлимлар; чора-тадбирлар; амалга ошириш механизми; ижро муддати ва масъул ижрочилар қисмидан ибора бўлган бўлса, “Ҳаракатлар стратегияси” ва “Тараққиёт стратегияси” билан тасдиқланган Давлат дастурлари мукамалроқ ва мураккаб тузилишга эга.

Масалан, “Тараққиёт стратегияси” билан тасдиқланган Давлат дастури бўлимлар (ва унга масъуллар), бўлимлар мақсаларга, мақсадлар чора-тадбирларга бўлинган.

Ушбу Давлат дастурининг устун қисми “Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар” (чора-тадбирлар), “Амалга ошириш механизмлари” (ижро усуллари), “Амалга ошириш шакли” (қабул қилинадиган якуний ҳужжат), “Бажариш муддати”, “Амалга ошириш харажатлари” (молиялаштириш манбалари), “Назорат қилувчилар” (Президент Администрацияси, Бош вазир ва унинг ўринбосари, Сенат Раиси, Қонунчилик палатаси Спикери, вазирлар даражасида), “Масъул ижрочилар” (Вазир ёки унинг ўринбосари даражасида).

Таққослов орқали шуни қайд этиш мумкинки, муҳимлик жиҳатидан “Тараққиёт стратегияси”да қайд этилган Давлат дастури билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида белгиланган масалалар бир биридан қолишмайди ва якунлари бўйича жамият тараққиётига, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳамда коррупцияни минималлаштириш қаратилган.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида коррупция муаммоларини олдини олиш чоралари кўрилмас экан, ҳар қандай ислохотлар кутилган натижани бермайди.

Шу сабабли, ҳар иккита йўналишдаги Давлат дастурлари Президент фармони ёки қарори билан қабул қилинишини ва барча тадбирлар жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб, шу билан БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талаблари ва ИХТТ томонидан Ўзбекистонга берилган тавсияларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида юқоридаги ёндошувни мувофиқлаштириш зарур.

Хусусан, коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинадиган Давлат дастурларида “чора-тадбирлар”, “амалга ошириш механизми”, “бажариш муддати”, “харажатлар миқдори ва молиялаштириш манбалари”, “масъул ижрочилар”, шу билан бирга киритилаётган тадбирни долзарблигини “асослантириш” ҳамда чора-тадбирни амалга ошириш натижасида “кутилаётган самарадорлик”ни акс эттириш амалиётини жорий қилиш таклиф этилади.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида 27.05.2019 йилдаги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5729-сон Фармони<sup>74</sup> асосан **коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда кўйидагилардан иборатлиги белгилаб қўйилган:**

суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

---

<sup>74</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4355387>

давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш.

Бундан ташқари, мазкур Фармон билан **идоравий** коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олиншини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш **давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси** ҳисобланаши қайд этилган.

Хусусан, Фармонга кўра 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради, унинг яқунлари бўйича:

коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат

хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантиради;

идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чорақлик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўради;

Миллий кенгаш билан келишган ҳолда ҳар йилги идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини тасдиқлайди.

Шу қаторда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Давлат дастурининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида ҳар чорақда Миллий кенгашга ахборот киритилишини таъминлаши мустаҳкамланган.

Кўришиб турибдики, Президентнинг кейинги ҳужжатларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат дастурларини ижро этиш, идоравий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобдорликни таъминлаш юзасидан янада такомиллаштирилган қоидалар белгиланиб, давлат органлари раҳбарларининг бу борадиги масъулиятини оширмоқда.

Қайд этиш жоизки, ар бир давлат органи ва Худудий кенгаш ўзининг идоравий ёки худудий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда албатта юқорида қайд этилган Давлат дастурлари ва бошқа дастурдан дастурил-амал тарзида фойдаланиши ва ўз худудида аҳамият касб этадиган тадбирларни танлашда албатта коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасидан келиб чиқиб амалга ошириши зарур.

### **Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги кенгашлар.**

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-Фармони<sup>75</sup> қабул қилинган ва у билан коррупцияни олдини олишда муҳим аҳамият касб этадиган тадбирлар ташкил этилган:

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилган;

- 2017 йилда ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилган;

- 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”)ни босқичма-босқич жорий этиш белгиланди.

Мазкур Фармон билан қайта ташкил этилган Миллий кенгашга раислик қилиш Бош прокуратурадан Олий Мажлис Сенати Раисига топширилди. Агар олтинги Идоралараро комиссияга Бош прокуратура (раис) ва Адлия вазирлиги (ўринбосари) раҳбарлик қилган бўлса, қайта ташкил этилгач Миллий кенгашга Сенат (раис) ва Қонунчилик палатаси (ўринбосар) раҳбарликни амалга оширишни бошлади. Фикримизча мазкур масала коррупцияга қарши курашишнинг “ҳуқуқни муҳофаза қилиш” усулидан “олдини олиш” ва “профилактика”сига асосий урғу қаратиш орқали ёндошувни ўзгартиришга интилиш деб ҳисоблаймиз.

Юқорида қайд этганимиздек, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун<sup>76</sup>нинг 8-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, Миллий кенгашнинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Қонун билан Коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида Миллий кенгаш вазифаларига белгилаб берилган

---

<sup>75</sup> <https://lex.uz/docs/4875784>

<sup>76</sup> <https://lex.uz/docs/3088008>

бўлсада, Худудий кенгашларнинг бу борадаги вазифалари Миллий кенгаш мажлисининг 19.08.2021 йилдаги 4-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш худудий кенгашлари тўғрисида”ги Низом билан белгилаб берилган.

Хусусан, Худудий кенгаш коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат ва бошқа дастурларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

тегишли худудда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, чек қўйиш, оқибатлари ҳамда имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш учун тегишли худудда қилинган ишлар ижроси ҳақида Миллий кенгаш ишчи органига ахборот тақдим этиш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва Миллий кенгашга киритиш.

Шу каби, Низомнинг III-бўлимида Худудий кенгашнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра Худудий кенгаш:

- тегишли хуудда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ва ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиш;

- Худудий кенгаш ваколатига тааллуқли бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

- Миллий кенгашга соҳада қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи худудий давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини ва маърузаларини эшитиш;

- ишчи комиссиялар ва (ёки) эксперт гуруҳлари тузиш, мутахассислар, илғор хорижий экспертларни жалб этиш;

- *Миллий кенгаш ишчи органининг топшириғи билан худудий давлат органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган стратегия ва давлат дастурлари ижросини ўрганиш;*

- ОАВ, ННТ, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш;

- мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фанларининг ўтилишини ташкил этиш ва уни назорат қилиб бориш;

- худудларда “Коррупциясиз соҳа” дастурини мунтазам тарзда жорий этиш ва соҳалар қамровини кенгайтириш;

- худудларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда “Коррупцияга қарши экспертиза” ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва уни назорат қилиб бориш;

- худудларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комлаенс назорат”) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ишлари бўйича маърузаларни тинглаш;

- давлат органларида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш ва уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш ишларини

кузатиш;

- социологик, илмий ва бошқа тадқиқотлар лойиҳалари юзасидан таклифлар бериш;

- “E-Anticor.uz” электрон платформасини ва Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобил дастурни такомиллаштириб бориш чораларини кўриш;

- ҳудудларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш ҳуқуқига эга.

Шу қаторда, Худудий кенгашнинг мажбуриятига:

- Президент ва Ҳукуматнинг ҳамда Миллий кенгашнинг коррупцияга қарши курашишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш бўйича қарорларини ижро этиш;

- ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Агентликка маълумотлар тақдим этиш;

- жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган **худудий дастурлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;**

- Худудий кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан **назоратни ва мониторингни амалга ошириш;**

- Миллий кенгашга ҳар чорақда Худудий кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида **ахборот бериш.**

Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятига оид самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ва уларни илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида 12.01.2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-81-сонли қарори қабул қилинган.



Қарор билан давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган **Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини** жорий этилди ва у қуйидаги бешта йўналиш бўйича белгиланган индикаторлар асосида амалга оширилади:

давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.

Мазкур қарорнинг мантиқий давоми сифатида 11.05.2022 йилда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш юзасидан давлат органлари томонидан ўз функцияларини амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-240-сонли қарори<sup>77</sup> қабул қилинган.

---

<sup>77</sup> <https://lex.uz/docs/6000285>

Қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, “E-Anticor.uz” электрон платформасида **“Е-Антикоррупция” лойихаси** (кейинчалик – Лойиха) ишга туширилиб, унда:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш;

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари бўйича ушбу хавф-хатарларни бартараф этиш чораларини тизимли равишда кўриш мақсадида **“Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”**ни шакллантириш ва юритиш;

коррупциявий хавф-хатарларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, инсон омилини қисқартириш ва тегишли тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали бартараф этиш назарда тутилган.

Шунингдек, қарор билан **Коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф** этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар **дастури** тасдиқланган.

Давлат идоралари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш фаолияти ва сиёсатини олиб боришда асосий ўрин тутадиган Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаш мақсадида Агентлик директорининг 08.09.2021 йилдаги 27-сонли буйруғи<sup>78</sup> билан Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги Намунавий низом тасдиқланган.

Намунавий Низомга кўра, назорат тузилмаларининг асосий вазифаларига:

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини

---

<sup>78</sup> “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқ. <https://lex.uz/docs/5621185>

такомиллаштириш;

ташкilotда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

ташкilotда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкilotлари билан ҳамкорликни олиб бориш киради.

Назорат тузилмалари ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ ташкilotнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:

ташкilot тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган **ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;**

ташкilotнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича **чора-тадбирларини ишлаб чиқади** ва тасдиқлаш учун ташкilot раҳбарига киритади;

ташкilotнинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган **коррупциявий нормаларни бартараф қилиш** бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ташкilot томонидан ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича **чора-тадбирлар лойиҳаларини** ташкilot тизимида коррупцияга қарши курашиш **сиёсати**га мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи назаридан баҳолайди ва хулосалар беради.

Агентлик томонидан 2022 йилда “**Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш бўйича қўлланма**”<sup>79</sup> (тўлдирилган янги нашр)” ҳамда “**Давлат органлари ва ташкilotларида коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички идоравий ҳужжатлар**

---

<sup>79</sup> [https://anticorruption.uz/upload/document/design\\_izm11.pdf](https://anticorruption.uz/upload/document/design_izm11.pdf)

**намуналари**<sup>80</sup> тайёрланиб давлат идоралари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш масаласида фойдаланиш учун тарқатилган.

Қўлланмада коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизими, тарихи, ривожланиш босқичлари, шакллари, ҳуқуқий асолари, тизимни жорий этиш ва бошқа кўплаб масалалар акс эттирилган бўлса, ҳужжатлар намуналари тўпламида давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти, манфаатлар тўқнашувини бошқариш ва бошқа намунавий ҳужжатлар келтириб ўтилган.

Юқоридаги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида Агентлик директорининг 13.05.2022 йилдаги 41-сонли буйруғи<sup>81</sup> билан коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи **экспертлар гуруҳи** таркибини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тасдиқланган.

Экспертлар гуруҳи Агентлик томонидан шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини белгиланган муддатларда ва сифатли кўриб чиқиб, Агентлик томонидан кўйилган дастлабки баҳоларни ўзгартириш бўйича асослантирилган ва мустақил таклифларини беради.

Хусусан, дастлабки тажриба сифатида Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари томонидан соҳада амалга оширилаётган ишларни ягона мезон асосида баҳолаш тизими жорий этилиб, бунда 29 та махсус индикаторлар асосида “E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали баҳолаш ишларини амалга оширилди<sup>82</sup>.

Индикаторлар ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг мавжудлиги, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш чораларининг кўрилганлиги, раҳбар ходимларнинг ҳалоллик бўйича шахсий

---

<sup>80</sup> [https://anticorruption.uz/upload/document/design\\_compressed.pdf](https://anticorruption.uz/upload/document/design_compressed.pdf)

<sup>81</sup> “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқ. <https://lex.uz/docs/6014704>

<sup>82</sup> Коррупцияга қарши курашиш агентлиги расмий сайти. <https://anticorruption.uz/uzc/item/2022/07/15/davlat-organlari-va-tashkilotlarida-korruptsiyaga-qarshi-kurashish-ishlarining-samaradorligini-rejting-baholash-ishlari-yakunlandi>

намунаси, ходимларнинг хабардорлик даражаси, ташкилотнинг коррупцияга қарши ҳуқуқий тарғиботдаги фаоллиги каби бешта асосий йўналишлардаги турли кўрсаткичларни таҳлил қилиш имконини беради.

Қарор талабларидан келиб чиқиб, баҳолаш биринчи босқичда ўз тизимида коррупцияга қарши стандартларни жорий этаётган **24 та ташкилотда** эксперимент тариқасида ўтказилди.

Баҳолаш жараёнини самарали ташкил қилиш мақсадида Агентлик томонидан:

“E-Anticor.uz” электрон платформаси ишга туширилди;

баҳолаш ўтказиладиган 24 та давлат ташкилоти масъул ходимлари иштирокида семинар-тренинг ўтказилиб, электрон платформадан фойдаланиш тартиби бўйича қўлланмалар тақдим этилди;

Рейтинг баҳолаш натижаларининг холислигини таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат бўлган Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи шакллантирилиб, улар томонидан ташкилотлар тақдим қилган маълумотлар таҳлил қилиниб, хулосалари олинди.

Қайд этиш жоизки, Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи Экспертлар гуруҳи йиғилишининг 23.05.2022 йилдаги қарори билан Эксперт гуруҳи аъзоси сифатида киритилганимиз ҳамда Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ва бунга Агентлик томонидан қўйилган дастлабки баҳолар холислиги ўрганиб чиқилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Агентликнинг якуний ҳисоботида қайд этилишича<sup>83</sup>, Давлат божхона ва Солиқ қўмиталари ўз тизимидаги барча коррупцион хавф-хатарларни

---

<sup>83</sup> <https://anticorruption.uz/uzc/item/2022/07/15/davlat-organlari-va-tashkilotlarida-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-ishlarining-samaradorligini-rejting-baholash-ishlari-yakunlandi>

баҳолаш ва улардаги хатар омилини минималлаштириш ҳамда коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолиятини барча таркибий ва ҳудудий бўлинмаларда ташкил этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини жорий қилган.

Қизиқарли ва эътиборга молик томони шуки, рейтинг натижалари жорий йил “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган коррупциянинг тарқалганлик даражасини жамоатчилик онгида идрок этилишини баҳолашга қаратилган сўров натижалари билан ҳамоҳанг эканлигини кўрсатди.

Хусусан, сўровнома натижаларига кўра аҳоли томонидан энг коррупциялашган йўналишлар сифатида қайд этилган соғлиқни сақлаш, кадастр, олий таълим соҳаларига жавобгар бўлган Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “E-Anticor.uz” электрон платформасига киритилган маълумотлар қониқарсиз деб топилган.

Баҳолаш натижаларига кўра, 24 та давлат ташкилотдан 3 таси фаолият самарадорлиги “яхши” (81-100 балл), 10 таси “қониқарли” (55-81 балл) ва 11 таси “қониқарсиз” (55 баллдан паст) тоифаларга ажратилди (*1-расмга қаранг*).

Эътиборли тарафи Тошкент шаҳар ва **Тошкент вилоят ҳокимликларининг** коррупцияга қарши курашишдаги фаолияти **қониқарли** деб топилган.


Бироқ, Кадастр агентлиги, **Бўка** ва Мирзо Улуғбек тумани ҳокимликларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти **қониқарсиз** деб топилган.

Агентлик томонидан баҳолаш яқунлари бўйича:

“яхши” деб баҳоланганларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ижобий тажрибаси оммалаштирилиши;

“қониқарли” деб баҳоланганларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар киритилиши;

“қониқарсиз” деб баҳоланганларнинг коррупцияга қарши курашишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш ва ижроси таъминлаш юзасидан тегишли раҳбарларнинг ҳисоботлари ҳар чоракда Миллий кенгашнинг йиғилишларида эшитиб бориш амалга оширилади.



1-расм. Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари<sup>84</sup>.

Қарорга мувофиқ, мазкур рейтинг баҳолаш тизими йил якунига қўра барча давлат идоралари ва ташкилотлари фаолияти бўйича амалга оширилади ва жамоатчиликка эълон қилиб борилади<sup>85</sup>.

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги ПФ-6013-Фармони<sup>86</sup> билан қайта ташкил этилган Миллий кенгаш томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурлари асосида ҳар йили ярим йиллик иш режалар, “Коррупциясиз соҳа”,

<sup>84</sup> [https://t.me/antikor\\_uzb](https://t.me/antikor_uzb)

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги ПҚ-81-сон қарори 2-банди.

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4875784>

“Коррупциясиз ҳудуд” ва бошқа режалар, йўл хариталар қабул қилинмоқда.

Хусусан, Миллий кенгашнинг 05.04.2022 йилдаги 7-сон йиғилишида<sup>87</sup> куйидаги режалар тасдиқланган:

Миллий кенгашнинг 2022 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси;

Олий таълим соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”;

Капитал қурилиш соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”

Соғлиқни сақлаш тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”;

Давлат харидлари соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларда мўлжалланган “Йўл харитаси”;

Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича “Йўл харитаси”.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.06.2020 йилдаги **“Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”**ги ПФ-6003-Фармони<sup>88</sup> билан Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши (кейинчалик – Кенгаш) ташкил этилган.

Кенгашнинг асосий вазифалари этиб:

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, турли соҳаларда амалга ошириладиган туб ўзгаришларнинг Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш

---

<sup>87</sup> Олий Мажлис Сенати расмий сайти. <https://senat.uz/uz/lists/view/4195>

<sup>88</sup> <https://lex.uz/docs/4838762>



мақсадларига хизмат қилишини таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш;

Ўзбекистон учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш, илғор халқаро тажрибага асосланган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари суриш;

давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслардаги мамлакатнинг ўрнига таъсири нуқтаи назаридан комплекс баҳолаб бориш этиб белгиланган.

Кенгашнинг ишчи органлари этиб Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги ҳисобланади. Фармон билан Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши таркиби тасдиқланган.

Кенгаш ўз ваколатлари доирасида тегишли чора-тадбирлар режалари ва йўл хариталари тасдиqlанади ва амалга оширилиши такшил этилади.

Хусусан, Кенгашнинг 14.04.2022 йилдаги йиғилиши<sup>89</sup> 8-сонли баёни билан:

Ўзбекистон Республикасининг **ижтимоий-иқтисодий** соҳага оид устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича 2022 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси;

Ўзбекистон Республикасининг **сиёсий-ҳуқуқий** соҳага оид устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича 2022 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

Қайд этиш жоизки, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар **сиёсий-ҳуқуқий** соҳага оид бўлиб, 2022 йилдаги чора-тадбирлар режасида қуйидаги бўлим ва кичик бўлимлардан иборат бўлган 100 та чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси белгиланган:

---

<sup>89</sup> Олий Мажлис Сенати расмий сайти. <https://senat.uz/uz/lists/view/4221>

I. Ўзбекистон Республикасининг сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашга қаратилган ислоҳотлар:

1. Демократик институтларни янада мустаҳкамлаш йўналишида;
2. Ҳукумат фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишида;
3. Тартибга солиш сифати ва қонунларга риоя этиш йўналишида;
4. Давлат органларининг очиклиги, ҳисобдорлиги ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида;
5. Фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш йўналишида;
6. Коррупция омилининг таъсирини юмшатиш йўналишида;
7. Одил судловни таъминлаш йўналишида;
8. Хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш йўналишида.

II. Сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид халқаро рейтинг ва индекслар мезонлари ҳамда уларнинг таркибий индикаторлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш:

- Жаҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторлари (Worldwide Governance Indicators) билан ишлаш йўналиши
- “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилотининг Ҳуқуқ устуворлиги индекси (The Rule of Law Index) билан ишлаш йўналиши;
- “The Economist Intelligence Unit” компаниясининг Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси;
- “Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилотининг Коррупцияни қабул қилиш индекси билан ишлаш йўналиши;
- Матбуот эркинлиги индекси (Worldwide press freedom index) билан ишлаш йўналиши;
- Бошқа рейтинг тузувчи ташкилотлар билан ишлаш йўналиши.

Юқоридаги Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари таҳлиliga кўра, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича етарли даражада

қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, Миллий кенгаш ва Республика кенгаши баёнлари ҳамда ваколатли орган ҳисобланган Агентликнинг тегишли буйруқлари қабул қилинган ва уларнинг ижроси амалга оширилмоқда.

Шу сабабли, коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда энг аввало юқорида қайд этилган норматив ва бошқа ҳужжатлар, дастурлар, йўл хариталари ва бошқа режаларга асосланган ҳолда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда уларни мониторингини амалга ошириш, масъулларни тўғри белгилаш, муддатларни реал имкониятларга қараб ўрнатиш ҳамда молиялаштириш билан боғлиқ тадбирларга уларнинг манбаларини белгилаш тақозо этади.

## II БОБ. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ХУДУДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

### 2.1. Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора- тадбирлар ва уларнинг ижроси

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида<sup>90</sup> “Давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кескин курашиш борасида ҳам аниқ чоралар кўрилганини алоҳида таъкидлаш лозим”, деб таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа кўплаб коррупцияни жиловлаш ва бартараф қилиш йўлида қабул қилинган йўналиш ортиқ қонунлар, Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурлари ва бошқа дастурлар амалга оширилаётгани, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Миллий кенгаш ташкил этилгани ва бошқа кўплаб ҳуқуқий, ташкилий ва амалий тадбирларни эътироф этиш зарур.

Яқин вақтгача коррупцияга қарши курашиш бу бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифаси сифатида қаралган.

Бироқ, коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз.

Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган **коррупцияга**

---

<sup>90</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/2180>

**қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт**<sup>91</sup>.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши (кейинчалик – Миллий кенгаш) ташкил этилиши белгиланган ва Қонунда унинг вазифалари қайд этилган.

Худди шу каби, Қонуннинг мазкур моддасида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар (кейинчалик – Ҳудудий кенгаш) қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилиши белгиланган бўлсада, унинг вазифалари нималардан иборат бўлиши кўрсатилмаган.

Миллий кенгашнинг вазифаларига Ҳудудий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириш юклатилганлигини инобатга олиб, кейинчалик ушбу масала Миллий кенгаш ҳужжатлари билан тартибга солиниши мумкин бўлиб қолмоқда.

Худди шу мақсадда, Миллий кенгашнинг 2021 йил март-июнь ойларига мўлжалланган Иш режасининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлар низомини тасдиқлаш белгиланган<sup>92</sup>.

Миллий кенгашнинг 19.08.2021 йилдаги 4-сонли мажлиси қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар **Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари тўғрисидаги низом** ва Ҳудудий кенгашлар аъзоларининг намунавий рўйхати тасдиқланган.

Шу каби, Миллий кенгашнинг 17.09.2021 йилдаги 5-сонли мажлиси қарори билан 2 та масала:

- 1) **Ҳудудий кенгашлар аъзоларининг рўйхати тасдиқланган;**
- 2) Ҳудудий кенгашларнинг биринчи (таъсис) мажлисларини ташкил

---

<sup>91</sup> Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. <https://president.uz/uz/lists/view/2180>

<sup>92</sup> <https://senat.uz/uz/commission/view/6?dId=19>

этиш белгиланган.

Худудий кенгашлар тўғрисидаги Низомга асосан худудларда коррупцияга қарши курашиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш, худудий давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Худудий кенгашларнинг асосий мақсади этиб белгиланган.

Шу каби, Худудий кенгашларга коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг амалга оширилишини ташкил этиш, соҳада фаолиятни амалга оширувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликдаги фаолиятни таъминлаш, худудларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш каби бошқа вазифалар ҳам юклатилган.

Худудий кенгашларнинг ишчи органи функциясини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари котибиятлари бажариши, Худудий кенгаш таркиби маҳаллий Кенгаш депутатлари, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат ташкилотлари раҳбарларидан шакллантирилиши ҳамда унинг шахсий таркиби Миллий кенгаш томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Миллий кенгашнинг 19.08.2021 йилдаги 4-сонли мажлиси қарори 4-бандига кўра, Худудий кенгашларга Худудий кенгашларнинг 2021 йил октябрь-декабрь ойларига мўлжалланган иш режаси лойиҳасини тайёрлаб, ўзининг навбатдаги мажлисида тасдиқлаш ҳамда Агентликка тақдим этиш вазифаси қўйилган.

Ушбу баённинг 5-бандида Агентликка Худудий кенгашлар иш режаларини умумлаштирган ҳолда Миллий кенгашга тақдим этиш ва доимий равишда Худудий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда иш режалари бажарилишининг мониторингини амалга ошириш вазифаси юкланган.

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 19.08.2021 йилдаги 4-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари тўғрисида”ги Низомда Ҳудудий кенгашнинг асосий вазифаларига коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат ва бошқа дастурларнинг амалга оширилишини ташкил этиш ҳамда жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган **ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш** вазифаси юклатилган.

Миллий кенгаш 05.04.2022 йилдаги мажлисининг 7-сонли баёни 14-банди билан Ҳудудий кенгашларга 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаларини қайта кўриб чиқиш, уларни Ҳудудий кенгашлар фаолиятини рейтинг баҳолаш мезонлари талаблари асосида такомиллаштириш тавсия этилган.

Шу билан бирга, мазкур баённома билан “Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича “йўл харитаси” тасдиқланган.

Тадқиқот иши коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни амалга ошириш муаммолари, шу жумладан Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирлар ва уларнинг ижроси ўрганилаётгани сабабли, ушбу масалада Тошкент вилоятида амалга оширилган ишлар, ҳудудда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар таҳлили, амалга оширилаётган “коррупциясиз ҳудуд” ва “коррупциясиз соҳа” лойиҳалари, қабул қилинган ҳудудий чора-тадбирлар ва уларнинг ижроси, ўтказилган ижтимоий сўровлар ҳамда яқунда Тошкент вилоятидаги муаммоларни бартараф қилиш юзаисдан таклиф ва тавсиялар ҳамда ҳудудий чора-тадбирлар лойиҳаси ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Тошкент вилояти - Ўзбекистон Республикаси таркибидаги ва шимоли-шарқида жойлашган вилоят. 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Тошкент вилояти Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари ҳамда

Наманган ва Сирдарё вилоятлари билан умумий чегарага эга. Майдони 15,3 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси **2.975,9 минг** кишидан (01.01.2021 йил ҳолатига), шундан 49.4 фоизи (1.469.9 минг) шаҳарларда, 50.6 фоизи (1.506.0 минг) қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилади<sup>93</sup>. Вилоят таркибида **15 та туман** (Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Чиноз, Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Қуйи Чирчиқ), **17 та шаҳар** (Ангрен, Бекобод, Бўка, Дўстобод, Келес, Олмалик, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Тошкент, Тўйтепа, Чиноз, Чирчиқ, Янгийўл, Янгиобод, Ғазалкент), **18 та шаҳарча**, **146** та қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Нурафшон шаҳри<sup>94</sup>.

**Тошкент вилоят ҳокимлиги томонидан коррупциянинг олдини олиш борасида қабул қилинган ички идоравий ҳужжатлар.**

Тошкент вилояти ҳокимининг 11.02.2022 йилдаги **“Вилоятда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш тўғрисида”**ги 84-10-0-Q/22-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор билан вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда вилоят ҳокимлигига бўйсунувчи муассасаларда куйидагилар:

- коррупцияга қарши курашиш сиёсати;
- одоб-ахлоқ қоидалари;
- коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;
- манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом;
- алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти;
- контрагентларни текширишга оид йўриқнома;
- коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;
- коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни

---

<sup>93</sup> Давлат статистика қўмитасининг статистик бюллетени – 01.01.2021 йил ҳолатига.

<sup>94</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/Toshkent\\_viloyati](https://uz.wikipedia.org/wiki/Toshkent_viloyati)



шакллантириш ва тақдим этиш регламенти;

- коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент;

- давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги низом;

- давлат харидларини амалга ошириш доирасида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини текшириш жараёни бўйича йўриқнома;

- вилоят ҳокимлиги одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий кўрсаткичлари;

- коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низом;

- коррупцияга қарши курашиш тизимининг мақсадли ҳолатига эришиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.02.2020 йилдаги 72-ф-сонли фармойишига асосан БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва ошқора бошқарув институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” (ички назорат) тизимини жорий этилиши белгиланган.

**Коррупцияга қарши курашиш сиёсати.** Сиёсат Тошкент вилояти ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигига бўйсунувчи муассасаларда ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар ва умуман жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак хулқ-атвор стандартларига мувофиқлик, шунингдек лавозим (хизмат) мажбуриятларини бажариш чоғида ташкилот ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликка доир **позициясини ифодалайди.**

Вилоят ҳокимлигига тааллуқли бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашишнинг **асосий мақсади:**

- ташкилот ходимлари томонидан Ўзбекистон қонунлари ва

коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;

- ташкилотда коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;

- ташкилотнинг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- аҳолининг Ташкилотнинг фаолияти юзасидан ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

- ташкилот ходимлари фаолиятининг шаффофлиги ва хулқ-атвор меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш;

- коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;

- ташкилотда мавжуд коррупцияга барҳам бериш ҳисобланади.

Вилоят ҳокимлигининг Сиёсатида қуйидаги эътиборга молик боблар киритилган:

Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари;

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари:

- Манфаатлар тўқнашувини бошқариш;
- Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш;
- Ташкилот ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши;
- Кадрлар билан боғлиқ жараённи тартибга солиш (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш);
- Текширувлар ўтказиш ва давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ўрганиш;
- Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

- Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш;

- Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси;
- Ташкилот фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш;
- Ташкилотдаги фаолиятни видео қайд қилиш ва унинг трансляцияси;

Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари:

- Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш;
- Коррупцияга қарши курашиш учун масъул;
- Ташкилотнинг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш;

- Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик;
- Жавобгарлик;

Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар;

Қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритиш тартиби.

**Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари.** Қоидалар ҳокимлик, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда муассасаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг содир этилиши сабабларини бартараф этишга, юксак ҳуқуқий онгни шакллантиришга, Конституция, қонунларга ва ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш тамойилларини шакллантиришга қаратилган.

Одоб-ахлоқ қоидаларнинг 7-боби **“Совғалар ва бизнес меҳмондўстлиги белгилари”** деб номланган бўлиб унга кўра:

Ҳокимлик, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда муассасалар ходимларига ҳар қандай совға ёки ишбилармонлик белгиларини, кредит имтиёзлари, нақд ёки нақд пул эквивалентлари шаклида кафолатлар, кафилликлар, ҳақ тўлаш, пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари кўринишидаги моддий (молиявий) ёрдам, қимматли қоғозлар шаклида рағбатлантиришни ёки ходим ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан жисмоний ва юридик шахслардан бошқа хизматлар қабул қилиши тақиқланади.

Ходимлар томонидан ҳокимлик, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда муассасаларнинг бошқа ходимларига шахсий байрамлар, яъни туғилган кун, бола туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан қилинган ҳамда ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар, ходимнинг шахсияти билан боғлиқ совғалар сифатида қаралади.

Совға беришда риюя қилиниши керак бўлган талаблар:

совғалар ҳокимлик, шаҳар, туман ҳокимлиги ёки муассасанинг камида **уч нафар ходими иштирокида** топширилиши шарт;

совға бериш табрик сўзи билан бирга бўлиши керак, бу совғага сабаб бўлган воқеани аниқ ифодалайди;

совғанинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда) **5 (беш) базавий ҳисобланган қийматдан ошмаслиги** керак;

бир ходимнинг бошқа ходимга совға учун сарфлаган миқдори ҳар бир ҳолатда 1 (бир) базавий ҳисобланган қийматдан ошмаслиги керак.

Ходим совғани қабул қилишнинг қонунийлигига шубҳа туғилган тақдирда, ҳокимлик, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги низом талаблари билан танишиши, ҳокимликдаги ёхуд тегишли шаҳар, туман ҳокимлиги ёхуд муассасадаги коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли ходимдан **маслаҳат сўраш** шарт.

Совғаларни қабул қилиш ҳамда бериш ҳамда ишбилармонлик меҳмондўстлик белгиларининг кўшимча талаблари ва тамойиллари ҳокимлик, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги низомида назарда тутилган.

Одоб-ахлоқ қоидаларнинг 8-боби **“Коррупцияга қарши кураш”** масалаларини қайд этган. Унга кўра:

Ҳокимлик, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда муассасалар коррупциянинг ҳар қандай шакл ва кўринишларида қабул қилишига йўл қўймайди.

Коррупцияга қарши курашишда “бағрикенгликнинг қуйи” (*нулевой толерантности*) тамойилига амал қилган ҳолда, барча ходимларга бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупцион ҳаракатларда, яъни **пул маблағларини олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва беришда иштирок этиши, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк, мулкий хусусиятдаги хизматлар**, ходимнинг пора берувчининг манфаатларини кўзлаб қилган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, пора олиш мақсадида ва бошқа ноқонуний мақсадларда хизмат лавозимини эгаллаш учун бошқа мулкий ҳуқуқлар, белгиланган қоидаларни четлаб ўтиб, расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловларни олиш, шахс томонидан ўз мулкидан ноқонуний фойдаланиш қатъийан ман этилади.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳокимлик, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда муассасаларда қабул қилинган принциплар ва талаблар уларнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги низомида мустаҳкамланган.

Одоб-ахлоқ қоидаларнинг 9-боби “**Манфаатлар тўқнашуви**”. Ходимлар ўз хизмат вазифаларини виждонан ва ҳалол бажаришлари, ўз мансаб мавқеидан ва/ёки ҳокимлик, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда муассасалар мулкидан шахсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланмасликлари ҳамда манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан тийилишлари шарт.

Манфаатлар тўқнашуви ходимларнинг ўз вазифаларини тўғри ва холис бажаришига, ҳокимлик, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда муассасаларнинг мулки ва (ёки) обрўси шу жумладан объектив қарорлар қабул қилинишига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган шахсий манфаатларга эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқларга, қонуний манфаатларига зарар этказиши мумкин бўлган вазиятда юзага келади.

Ҳокимлик, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда муассасалар ходимлари ҳар йили ишга қабул қилиш, лавозимга кўтариш ва ротация

қилишда ўзларининг шахсий манфаатлари тўғрисидаги, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ва тегишли вазиятлар / ҳолатлар пайдо бўлганда маълумотларни белгиланган тартибда ошкор қилишлари шарт.

Ҳокимлик, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда муассасаларда манфаатлар тўқнашувини бошқариш доирасида амалга ошириладиган барча тадбирлар, шу жумладан, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, эълон қилиш, олдини олиш ва бартараф этиш тартиби “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида”ги низомда белгиланган.

Ходимлар ва бошқа шахслар ҳокимлик, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда муассасалар ходимларининг ҳаракатларининг қонунийлиги ва/ёки одоб-ахлоқига нисбатан шубҳалари, одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг тахмин қилинган ёки содир этилган фактлари юзасидан асосли шубҳалари бўлган тақдирда, улар ҳақида **очиқчасига мавжуд алоқа каналлари орқали маълум қилишлари мумкин.**

**Хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти.** Коррупциявий-хавф-хатарларни баҳолашнинг **мақсади:**

ташкилот фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда “Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси”, “Ташкилотда, коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур” ишлаб чиқилишини назарда тутати.

**Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом.** Низом Тошкент вилояти ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигига бўйсунувчи муассасаларида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, унинг олдини олиш ва тартибга солиш тартибини белгилайди.

Ташкилотда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари келиб чиқишини олдини олиш манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг қуйидаги шаклларида фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

ташкilot тизимида вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ҳар йил ошкор қилиш (йиллик декларация);

реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви юзага келиш факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш.

**Манфаатлар тўқнашувларини бошқаришда** қуйидаги чоралар белгиланиши керак:

бевосита бўйсунадиган ходимни яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувига ўтказиш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор чиқариш жараёнида қатнашишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашиш, ўзини ўзи рад этиши ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтинча) четлаштирилиши;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриб чиқиш;

ходим томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган маълумотлар ва ҳужжатлардан фойдаланилишини чеклаш;

юқорида лавозимни эгаллаб турган яқин қариндош ва (ёки) алоқадор шахсга нисбатан лавозимни кўтариш, фаолиятини баҳолаш, мукофот пулларини тўлаш ва иш ҳақиға устамаларни ҳисоблаш, ўқишга ва тренингларга ҳамда турли масалалар бўйича хорижга юбориш, меҳнат таътилига чиқишга розилик бериш ва иш ҳақини назорат қилиш ҳақида жамоавий тарзда қарор қабул қилинишини таъминлаш;

ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнатга оид

функцияларни бажаришини назарда тутадиган лавозимга ўтказиш ва бошқа ҳолатлар.

**Коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти.** Регламент Ташкилотдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Ташкилот раҳбарига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

Ташкилот мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар белгиланган тартибда қолдириш имкониятини беради.

**Аноним хабар** келиб тушган тақдирда Ташкилотнинг масъул ходими, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

Ташкилотга келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қилиш (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили ва б.);

Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиниши шарт.

**Контрагентларни текширишга оид Йўриқнома.** Йўриқнома Тошкент вилояти ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигига бўйсунувчи муассасалари томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартнома тузишда иштирокчиларни мажбурий текширишнинг асосий талаблари, тартиби ва усулларини белгилайди.

Харид жараёнлари иштирокчиларини текширишнинг мақсад:

Ташкилот ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий



манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш;

инсофсиз ижроси билан шартнома тузиш хатарини камайтириш;

харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш;

Контрагент билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилиш.

Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш хариднинг барча иштирокчилари, шу жумладан, улар ўртасидаги алоқа (бенефициар) мавжудлиги эҳтимоли нуқтаи-назаридан ҳам амалга оширилади.

**Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти.** Услубиёт Тошкент вилояти ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигига бўйсунувчи муассасаларининг ички норматив ҳужжати ҳисобланади ва ташкилотда коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички норматив ҳужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби ҳамда стандартларини белгилайди.

**Мониторинг** – бу коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш ҳамда Ташкилот фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш мақсадида текшириш, **назорат** деганда танқидий ўрганиш кўринишида амалга оширилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатининг таҳлили тушунилади.

Мониторинг ва назоратнинг **асосий мақсадлари:**

Ташкилот фаолиятининг коррупцияга қарши қабул қилинган талабларга мувофиқлигини текшириш;

коррупцияга оид ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарлилиги ва коррупцияга қарши тадбиқ этилган тартиб-таомилларнинг самарадорлигини

ошириш ва баҳолаш;

камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали Ташкилотнинг коррупцияга қарши комплаенс (ички назорат) тизимини такомиллаштириш;

Ташкилотнинг коррупцияга қарши ички норматив ҳужжатлари ва тартиб-таомилларига риоя қилинишини таҳлил қилиш;

Ташкилот фаолиятида коррупция хавф-хатарлар индикаторларини аниқлаш;

манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш;

Ташкилотнинг коррупция хавф-хатарларини камайтиришга қаратилган бошқа тартиб-таомилларининг бажарилмаганлигини аниқлаш;

Ташкилотда аввалги ўтказилган мониторинг натижалари ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари, хизмат текширувлари, ички аудит текширувлари, бошқа назорат чоралари ва улар доирасида тақдим этилган тавсияларга риоя қилиниши, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш режасида тасдиқланган бошқа тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш.

**Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш регламенти.** Регламент коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисобот коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, Ташкилотнинг коррупцияга қарши Дастур ёки Йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини мониторинг қилиш мақсадида тузилади.

Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот Ички

назорат тузилмаси томонидан Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисобот билан бир вақтда тузилади.

**Хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент.** Регламент ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларни бузилишига нисбатан хизмат текширувини ўтказишни белгиловчи ички идоравий ҳужжати ҳисобланади.

Регламентни ишлаб чиқиш мақсади:

Ташкилотда Хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;

Хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш;

Ташкилотда қоидабузарликлар содир этиш, унга зиён етказишга олиб келадиган сабаб ва шартларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

Ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатлар ва нazorat таомилларидаги камчиликларни аниқлаш ва келгусидаги қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Ташкилот ва унинг ходимларининг қўлланилаётган қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши хавфини камайтириш.

Хизмат текшируви Ташкилот ходимлари томонидан Ўзбекистон коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда тайинланади.

Бундай маълумотлар қуйидаги манбалардан келиши мумкин:

Ташкилот ходимларининг ёзма ёки оғзаки шаклдаги бевосита раҳбари ёки бошқа ваколатли шахсга берган маълумоти;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Ташкилотнинг алоқа каналларига юборган хабарлари, шу жумладан, аноним хабарлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;  
оммавий ахборот воситаларидаги, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар;

**ўтказилган сўровнома, шу жумладан, ижтимоий ва статистик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган маълумотлар;**

ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари, шунингдек, давлат молиявий назорат органлари ва Ҳисоб палатасининг хулосалари;

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан коррупцияга қарши ички талаблар мониторинги ва уларга риоя қилиш устидан назорат натижалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларининг топшириқлари;

Бошқа каналлар орқали келиб тушган коррупциявий характердаги хабарлар.

**Давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги низом.** Низом ҳокимлик ва унга бўйсунувчи муассасаларда ташкил этиладиган танлов (тендер) ўтказиш бўйича харид комиссиясининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

**Давлат харидларини амалга ошириш доирасида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини текшириш жараёни бўйича Йўриқнома.** Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини ўрганишнинг асосий мақсади:

манфаатлар тўқнашуви ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигига бўйсунувчи муассасаларнинг шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш;

инсофсиз харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилар билан шартнома тузиш хавф-хатарини минималлаштириш;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчи шартнома товарларини етказиб бериш ёки хизматларни кўрсатиш ишларни бажариш

имкониятларини баҳолаш;

тегишли даражада эҳтиёткорлик билан харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси билан шартнома тузиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисини текшириш харид қилишнинг барча иштирокчиларига нисбатан амалга оширилади.

Харид комиссиясининг масъул аъзоси электрон таклифларни кўриб чиқиш жараёнида бир кун ичида манфаатлар тўқнашувининг йўқлигини текширади:

Ташкилот ходимлари объективкаларининг маълумотлар базасида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси номи мавжудлигини текширади;

Ташкилот ходимлари объективкаларининг маълумотлар базасида муассислар, раҳбарлар ва охириги бенефициарлар мавжудлигини текширади.

**Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида Низом.** Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.03.2016 йилдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ҳокимликдаги одоб-ахлоқ комиссиясининг принциплари, таркиби, мақсадлари, вазифалари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолият кўрсатиш тартибини белгилайди.

Комиссиянинг асосий вазифалари:

ҳокимлик ходимлари томонидан ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

ходимларнинг одоб-ахлоқ маданиятини шакллантиришда ҳокимлик раҳбариятига кўмаклашиш;

ҳокимлик ходимларининг одоб-ахлоқ нормаларига зид ҳатти-ҳаракатларининг олдини олиш;

ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлиқ юзага келадиган муаммолар бўйича ходимларга маслаҳат бериш;

ходимлар учун одоб-ахлоқ қоидаларини талқин қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва қийин вазиятларни ҳал

қилиш;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва уларни манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳал этиш;

ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари ва/ёки манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом талаблари бузилган тақдирда ҳокимлик ходимларига нисбатан чора кўриш тўғрисида ҳокимлик раҳбариятига таклиф киритиш (қарорларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш);

фуқароларнинг ҳокимлик ходимларига бўлган ишончини таъминлаш;

ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомнинг аниқланган бузилишлари тўғрисида вилояти ҳокимини хабардор қилиш;

ҳокимликда ички маданиятни юксалтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Тошкент вилояти шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигига бўйсунувчи муассасаларнинг тегишли ҳокимликлар ёки муассасалар ходимларининг одоб-ахлоқ нормаларига зид ҳатти-ҳаракатлари, улар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини бузиши масалалари бўйича қарорларини қайта кўриб чиқиш.

**Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий кўрсаткичлари.** Фаолиятда коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш соҳасида самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари (САК) шакллантирилган:

Тошкент вилояти ҳокими, вилоят ҳокими ўринбосарлари, Тошкент вилояти шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, қуйи ташкилотлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек ҳокимлик, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда қуйи муассасалар бўлимлари /гуруҳлари/бўлинмалари раҳбарлари коррупцияга қарши кураш бўйича асосий кўрсаткичлар;

ҳокимликнинг коррупцияга қарши кураш бўйича ваколатли ходими

ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда унга бўйсунувчи муассасаларнинг коррупцияга қарши кураш бўйича ваколатли ходимларининг асосий кўрсаткичлари;

Тошкент вилояти, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигига бўйсунадиган муассасаларнинг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги асосий кўрсаткичлари.

**Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низом.** Низом Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Нazorat тузилмалари ўз ташкилотларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

Нazorat тузилмалари ўз фаолиятида бевосита ташкилотнинг биринчи раҳбарига (кузатув кенгашига) бўйсунди.

Нazorat тузилмалари раҳбарлари ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинчалик – Агентлик) билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади.

Нazorat тузилмалари раҳбарларини лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилади.

Бунда, ташкилот томонидан Агентликка ташкилот раҳбарининг Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш ҳақидаги тақдимнома берилади.

Ушбу тақдимномада ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари кўрсатилади ва сабаб ва мотивларни тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, ходимнинг аризаси, ички меҳнат тартиби қоидаларини

бузганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар) илова қилинади.

Агентлик томонидан Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари етарли эмас деб ҳисобланса, шу жумладан Назорат тузилмаси раҳбари таъқиб қилинаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлса, ушбу масалада Назорат тузилмасининг раҳбари билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

Назорат тузилмаларининг асосий вазифалари:

ташкilotнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

ташкilotда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

ташкilotда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкilotлари билан ҳамкорликни олиб бориш.

Назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзи фаолият юритаётган ташкilot ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида ташкilot ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;

ташкilot тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

ташкilot раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўз фаолияти доирасида ташкilot тизимига ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;



ташкilotнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;  
текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш.

Назорат тузилмалари мажбуриятлари:

Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

ташкilot тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи орган, Агентлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

ташкilotнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан ташкilot раҳбариятига маълумотномалар киритиш;

коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги чораклик ҳисоботни Агентликка тақдим этиш.

Назорат тузилмаси фаолиятининг натижадорлиги ташкilotда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлик ва мақсадли кўрсаткичларига эришиш натижаларига асосан баҳоланади.

Назорат тузилмалари фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари ташкilotнинг биринчи раҳбари томонидан тасдиқланади. Самарадорликнинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

**Тошкент вилоятида 2021 йил давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар<sup>95</sup>.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки

---

<sup>95</sup> <https://toshvil.uz/uz/viloat-okimligi-korruptsiaga-karsi-kurasis-icki-nazorat-subasi-tomonidan-utgan-2021-jil-davomida-kujidagi-islal-amalga-osirilgan>

коррупцияга қарши курашишга бошқа тазда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сонли қарори ижроси бўйича вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари раҳбарлигида махсус комиссия ташкил этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 17.02.2020 йилдаги 72-ф сонли (вилоят ҳокимлигининг 24.02.2020 йил В3-ф сон) фармойишига асосан БМТ Тараққиёт дастури кўмагида халқаро ташкилотларнинг экспертларини танлов асосида жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” (ички назорат) тизимини тажриба тариқасида 2021 йил 1 январга қадар жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланган.

Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси кўмагида халқаро аудиторлик-консалтинг компанияси КПМГ ташкилоти экспертлари томонидан Тошкент вилояти ва Бўка тумани ҳокимликларида **коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизими** 4 босқичда жорий этилган.

Бош прокуратуранинг хатига асосан, КПМГ ташкилоти экспертлари 1-босқичда коррупция хавфи бўлган функцияларни диагностика қилиш мақсадида вилоят ҳокимлиги аппаратининг котибият ва гуруҳлари билан оғзаки суҳбат асосида 2020 йил октябрь ва декабрь ойларида тавсиялар қайд этган.

Шунингдек, 8 та йўналишдаги функциялар рўйхати шакллантирилиб, 2-босқичда мазкур тавсиялар асосида коррупцион хавфни камайтириш бўйича КПМГ ташкилоти экспертлари “Йўл харита” лойиҳасини ишлаб чиқиб тақдим этган.

Вилоят ҳокимлигининг 07.08.2021 йилдаги “Тошкент вилоят ҳудудида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ҳамда профилактик тадбир ўтказиш тўғрисида”ги 51-10-0-Q121-сонли қарори билан “Коррупцияга қарши курашиш тизимининг мақсадли ҳолатига эришиш бўйича “Йўл харита” тасдиқланган.

Мазкур “Йўл харита”даги вазифалар ижроси юзасидан 3-босқичда

КПМГ ташкилоти экспертлари томонидан тавсиялар юборилган.

Вилоят ҳокимлигининг 11.02.2022 йилда “Вилоятда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги В4-10-0-Q/22-сонли қарори тасдиқланган.

Вилоятда коррупция ҳолатларининг олдини олишда профилактик тадбирларга алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят ҳокимлиги иш режасига асосан прокуратура, адлия ва ички ишлар бош бошқармаси халқаро экспертлар билан биргаликда шаҳар ҳамда туман ҳокимликларида Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши депутатлари, ҳоким ўринбосарлари, ҳокимлик мутахассислари, бўлим бошлиқлари ва ташкилот раҳбарлари иштирокида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган ишлар юзасидан танқидий-профилактик амалий семинарлар ўтказилган.

Коррупциянинг олдини олишга қаратилган семинар ва йиғилишлар 25 мартаба (шундан 5 та маҳаллий ва 10 та хорижий экспертлар иштирокида) ўтказилиб, унда вилоят ҳокимлиги аппарат ходимлари, вилоятдаги бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлар иштирок этган.

БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси ва КПМГ экспертлари томонидан 24.11.2021 йилда “Вилоят ҳокимлигида коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашуви” бўйича вилоят ҳокимлигининг ходимларига ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаш масъуллари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда вилоят ҳокимлиги тасарруфидаги бошқарма ва ташкилотларнинг 200 нафарга яқин масъулларига семинар тренинг ўтказилди.

Вилоят ҳокимлигининг 07.08.2021 йилдаги 51-10-0-Q/21-сонли қарори билан 2021 йил 1-31 август кунлари **“Коррупцияга қарши курашиш ойлиги”** профилактик тадбирида адлия бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ва бошқа билан биргаликда коррупциянинг олдини олиш юзасидан профилактик тадбирлар ўтказилган.

Шу билан бирга, мазкур қарор ижроси юзасидан “Юксалиш”

умуммиллий ҳаракати вилоят бўлинмаси томонидан вилоят аҳолиси орасида кенг жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида сўровнома асосида тадқиқот ҳамда ҳокимликда аноним сўровнома ўтказилган.

Вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармаси, ДХХ вилоят бошқармаси, прокуратура ва ички ишлар вазирлиги ва Жазони ижро этиш департаменти билан биргаликда **“Нафс исканжасида” номли қисқа метражли фильм** ишлаб чиқилиб, давлат органлари ва ташкилотларида тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Вилоятда коррупция ҳолатлари юзасидан прокуратура органлари томонидан 2021 йилда **364 та** жиноят ишлари кўзғатилиб, **559 нафар** айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида **310 та** жиноят ишлари судларга юборилган.

Жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг 65 нафари **кадастр** идоралари, 45 нафари **соғлиқни сақлаш**, 25 нафари **мактабгача таълим**, 22 нафари **ички ишлар**, 8 нафари **ҳокимлик**, 16 нафари **халқ таълими**, 55 нафари давлат бошқарув органлари, 23 нафар давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, 295 нафар бошқа давлат ташкилоти мансабдор шахслари ҳисобига тўғри келади.

2021 йилда вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат-текширув, бошқарув органлари ва бошқа идораларнинг **1.688 нафар** мансабдор шахслари коррупцион ва бошқа жиноятларга йўл қўймаслик ҳақида **огоҳлантирилган**.

2022 йилда коррупциявий хавф-хатарлар шакллантирилди, унга кўра, юқори хавфлар 2 та, ўрта хавфлар 10 та ва паст хавфлар 9 тани ташкил этади.

Вилоятда коррупцияга қарши курашиш бўйича 2022 йилнинг 1-чораги учун мўлжалланган дастур тасдиқланиб, ижрога қаратилган.

Вилоят ҳокимлигининг 15.02.2022 йил “Тошкеррт вилояти ҳокимлигининг 2022 йил 1-ярим йиллик иш режаси тўғрисида”ги 100-10-0-Q/22-сонли қарорига асосан адлия, прокуратура, ички ишлар ва ДХХ вилоят бошқармаси билан биргаликда содир этилаётган коррупциявий жиноятларни

келгусида олдини олиш мақсадида 18 февраль куни қурилиш мажмуасига ҳамда 22 февралда электр тармоқлари тизимига танқидий-профилактик семинарлар ўтказилди.

Шунингдек, 10 январь куни Юқоричирчиқ ва Паркент туманларида ҳамда 16 февраль куни Пискент туманида Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, ҳоким ўринбосарлари, ҳокимлик мутахассислари, бўлим бошлиқлари ва ташкилот раҳбарлари иштирокида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган ишрлар юзасидан танқидий-профилактик амалий семинарлар ўтказилди.

Вилоятда коррупция ҳолатлари юзасидан прокуратура органлари томонидан 2022 йил 1-чорагида 69 нафар айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида 36 та жиноят ишлари судларга юборилган.

Коррупцион ва мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг 19 нафари кадастр идоралари, 5 нафари соғлиқни сақлаш, 3 нафари банк, 2 нафари ички ишлар, 2 нафари газ идораси, 2 нафари спорт муассасаси, 1 нафари ўрмон хўжалиги, 7 нафари давлат улуши бўлган ва 28 нафари давлат улуши бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар мансабдор шахслари ва фуқаролар ҳисобига тўғри келади.

2022 йилда вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат-текширув, бошқарув органлари ва бошқа идораларнинг **125** нафар мансабдор шахслари коррупцион ва бошқа жиноятларга йўл қўймаслик ҳақида **огоҳлантирилган**.

**Тошкент вилоятида ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаш ва қурилмалар қуриш бўйича ўрганишлар<sup>96</sup>.**

Тошкент вилоятининг умумий ер майдони **768,0** минг гектарни ташкил этиб, шундан, экин майдони – **318,1** минг, кўп йиллик дарахтзорлар – 53,2 минг, яйловлар – 201,3 минг, томорқа ерлари – 54,1 минг ва бошқа ерлар – 141,3 минг гектарни ташкил қилади. Вилоятдаги 6.738 та фермер

---

<sup>96</sup> <https://hujjat.uz/doc.jsp?id=a9e1272c-d91a-43ba-959b-275e7598be62&pin=ca6RGQq3&nr=1>

хўжаликларининг 1.247 таси – пахта ва ғаллачилик, 790 таси – ғаллачилик, 2 836 таси – боғдорчилик ва узумчилик, 882 таси – чорвачилик, 732 таси – сабзавот ва полизчилик ҳамда 251 таси – бошқа йўналишларда фаолият кўрсатмоқда.

2022 йилда ўтказилган хатловларда 38 та ҳолатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган **119 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги аниқланиб**, ҳозирги кунгача фақат **2,6 гектар** (15 та) ер майдони **заҳирага қайтарилган**.

Хусусан, ер майдонлари ўзбошимчалик билан эгаллаш: Тошкент туманида – **114 га** (17 та ҳолатда), Қибрайда – 2,3 га (8 та), Бўстонликда – 1 га (2 та), Юқоричирчиқда – 0,95 га (3 та), Зангиотада – 0,47 га (7 та).

Ўрганишларда аниқланган 27 га ер майдонни эгаллаган жами **275 та ноқонуний қурилмаларнинг** 63 таси (3,8 гектар) буздирилиши таъминланди.

Ноқонуний қурилмалар Қибрай туманида – **112 тани** (13,9 га), Тошкент туманида – **51 та** (3,5 га), Юқоричирчиқда – 32 та (1,2 га), Ўртачирчиқда – 31 та (0,34 га), Зангиотда – 24 та (3,2 га), Янгийўл туманида – 22 та (4 га) ва Бўстонлик туманида – 2 тани (0,06 га) ташкил этган.

Ер майдонларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш, ноқонуний қурилиш ҳамда самарасиз ва мақсадсиз фойдаланишни олдини олиш борасида ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, вилоят прокуратураси томонидан:

- **4 та тақдимнома** киритилиб, ҳокимларнинг ноқонуний ер ажратиш ҳақидаги **4 та қарорига протест** келтирилди ҳамда мазкур қарорлар қонунчилик талабларига мувофиқ ўзгартирилди;

- **89 нафар** шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик хусусида **огоҳлантирилди**, **1 нафар** шахс **интизомий жавобгарликка** тортилди;

- жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан **58 та жиноят иши** кўзғатилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг 07.08.2021 йилдаги “Тошкент вилоят

худудида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ҳамда профилактик тадбир ўтказиш тўғрисида”ги 51-10-0-Q/21-сонли қарори ижроси юзасидан “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Тошкент вилояти бўлинмаси томонидан 9-31 август кунлари вилояти аҳолиси орасида кенг жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида **сўровнома** ўтказилган.

Сўровномада иштирок этган 180 нафар респондентлардан Ҳукуматдан ҳар қандай турдаги ҳужжатларни (лицензия, қурилиш учун рухсат ва бошқаларни) олишда маҳаллий ҳокимиятга ҳужжатлаштириш ёки жараёни тезлаштириш учун пора беришга тўғри келганми деган саволга 23% иштирокчи “ҳа” ва 75% иштирокчи “йўқ” деб жавоб беришган, 2% саволга жавоб бермаган.

“Сиз ўзингиз ёки фарзандингиз учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани ёки давлат гувоҳномасини олишда жараёни тезлаштириш учун пора беришга тўғри келганми?” саволга 180 та респондентдан 24 таси ҳа ва 156 та респондент йўқ деган жавобни берган.

“Сиз фарзандингизни мактабга жойлаштириш учун пул беришга мажбур бўлганмисиз?” саволига иштирокчиларнинг 31 нафари “ҳа” ва 144 нафари “йўқ” деб жавоб берган, 5 нафари жавоб бермаган.

“Сиз соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш учун пул беришга мажбур бўлганмисиз” саволига 87 таси “ҳа”, 89 таси “йўқ” ва 4 таси жавоб бермаган.


“Парламент аъзолари (депутатлар ва сенаторлар)нинг қанчаси коррупцион тажрибага алоқадор деб сўралганда 17 та “ҳеч ким”, 25 та “баъзилари”, 93 та “кўпчилиги”, 9 та “барчаси” ва 34 таси “билмайман” деб жавоб беришган, 2 таси жавоб бермаган.

“Ҳокимият вакилларининг қанчаси коррупцион тажрибага алоқадор” саволига 15 нафари “ҳеч ким”, 35 нафари “баъзилари”, 100 нафари “кўпчилиги”, 15 нафари “барчаси” ва 15 нафари “билмайман” деб фикр билдирган.

“Ички ишлар органлари ходимларининг қанчаси коррупцион тажрибага алоқадор” саволига 18 та “ҳеч ким”, 47 та “баъзилари”, 91 та “кўпчилиги”, 8 та “барчаси” ва 13 таси “билмайман” деб, 3 таси жавоб бермаган.

“Прокуратура ходимларининг қанчаси коррупцион тажрибага алоқадор” 18 та “ҳеч ким”, 18 та “баъзилари”, 93 та “кўпчилиги”, 17 та “барчаси” ва 20 таси “билмайман” деб 14 таси умуман жавоб бермаган.

“Судьяларнинг қанчаси коррупцион тажрибага алоқадор” саволига 17 нафари “ҳеч ким”, 47 нафари “баъзилари”, 68 нафари “кўпчилиги”, 16 нафари “барчаси” ва 29 нафари “билмайман” деб жавоб берган.



Кўришиб турубдики, сўровномада иштирок этган фуқароларнинг 41 нафари ҳукуматдан ҳар қандай турдаги ҳужжатларни олишда маҳаллий ҳокимиятга ҳужжатлаштириш ёки жараённи тезлаштириш жараёнларида, 24 нафари туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани ёки давлат гувоҳномасини олишда ёки жараённи тезлаштириш давомида, 31 нафари фарзандини мактабга жойлаштириш даврида бевосита коррупцияга дуч келган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва туман, шаҳарлар ҳокимликлари ходимларининг коррупцияга муносабатини ўрганиш мақсадида



**хокимликларнинг** жами 125 та ходимлари, шулардан 79 нафар эркак ва 46 нафар аёл ходимлар ўртасида ўтказилган **сўровнома** натижалари.

“Сиз ҳозирги кунда ишлаётган ташкилотингизда белгиланган ойлик маош билан ўз орзуингиздаги ишларни амалга оширишга ишонасизми” деган саволга 41 нафари “Ҳа, албатта”, 13 нафари “Бу борада бошқа ташкилотда ишлашни мақсад қилганман”, 5 нафари “Бошқа моддий маблағ топиш имкониятим мавжудлиги учун ишонаман”, 55 нафари “Йўқ, лекин ўз ишим ўзимни қониқтиргани учун шу ерда ишляпман” деб жавоб беришган.

“Сиз ўз орзуларингизни амалга ошириш учун ишлаётган ишингиз учун қанча маош олишингиз керак деб ҳисоблайсиз?” саволига 19 нафари 2-5 млн. сўмгача, 71 нафари 6-10 млн. сўмгача, 22 нафари 11-15 млн. сўмгача, 5 нафари 16-20 млн. сўмгача ва 7 нафари 20 млн. сўмдан кўп дейишган.

“Сиз бажараётган вазифангиз учун ойлик маош белгилашда ижтимоий адолат ўрнатилган деб ҳисоблайсизми” саволига 40 нафара “Ҳа, албатта” ва 81 нафари “Йўқ, бажараётган вазифам учун ойлик маош кам миқдорда белгиланган” деб жавоб беришган.

### Сиз бажараётган вазифангиз учун ойлик маош белгилашда ижтимоий адолат ўрнатилган деб ҳисоблайсизми?



“Сизга орзуингиздаги ишларни амалга оширишга ёрдам берувчи ойлик маош билан бошқа ташкилотга ишга таклиф қилишса, иш жойингизни ўзгартирармидингиз” саволига 51 нафари “Ҳа, албатта”, 39 нафари “Йўқ, ишлаётган жойимда орзуларимни амалга оширишимга кўзим етади” ва 28 нафари “Йўқ, шу ерда ишлаб, юқори мартабаларга эришиш мақсадим бор” деб жавоб берган.

“Сизнинг ушбу ташкилотда ишлашингиздан мақсадингиз нима” саволига 5 нафари “Жамиятда обрўли шахс бўлиш”, 7 нафари “Жамиятдаги адолатсизликларга барҳам бериш”, 88 нафари “Давлат ва жамият ривожига ўз хиссамни қўшиш” ва 9 нафари “Мақсадимга эришиш йўлидаги поғоналардан бири бўлганлиги учун” деб жавоб беришган.

“Қайсидир соҳада шахсий ишингиз юришиб кетишига лавозимингизнинг таъсири бор деб ўйлайсизми” саволига 21 нафари “Ҳа, албатта. Маълум маънода шахсий ишларим юришиб кетишига лавозимим сабаб”, 71 нафари “Йўқ, менинг фаолиятимда бу ҳолат кузатилмаганман”, 20 нафари “Лавозимимга қараб шахсий ишларимни битириб беришни хоҳлайдиганлар кўп, шу сабабли, улардан узоқроқ юришга ҳаракат қиламан” ва 9 нафари “Оғир бўлсаям тан олиш керак таъсири бор, ишларимни битириб бермоқчи бўлганларнинг ўзлариям ниманидир манфаатини кўзлаб шу ишни қилишмоқда” деб жавоб беришган.

“Сиз билан биргаликда ишловчи ҳамкасбингизга кимдир қайсидир ишни қилиб бериши учун пора таклиф қилаётганлигига гувоҳ бўлиб қолдингиз, бу ҳолатда сиз қандай ҳаракат қилардингиз” муаммоли саволга 13 нафари “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилардим”, 40 нафари “Ҳамкасбим билан бу борада гаплашиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилишини маслаҳат берардим”, 64 нафари “Пора таклиф қилаётган шахс билан гаплашиб, муаммоларини порасиз ҳал қилиш йўлларини кўрсатардим” ва 4 нафари “Ўзимни ҳеч нарсани кўрмаган ва билмаган одам тарзида тутардим” деб жавоб беришган.

“Сизга маълум вазифаларни бажаришингиз учун пора таклиф қилишганми” саволига 51 нафари “Ҳа, уларга буни жиноят эканлигини тушунтириб, тўғри йўл кўрсатганман”, 3 нафари “Ҳа, бу тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилганман”, 61 нафари “Йўқ, бундай ҳолат кузатилмаган” деб фикрлар билдирган.

“Давлат идораларида коррупцияга барҳам бериш юзасидан сизнинг таклифингиз” - 29 нафар бу борада таклифи йўқлигини, 96 нафари ўз

таклифларини қуйидагича келтириб ўтган:

64 - ойлик маошини ошириш;

5 - ҳуқуқ тарғибот органлари, давлат идоралари ўз вазифасини тўлиқ бажариши кераклиги;

9 - фуқаролар ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш;

2 - қонунчиликни қайта кўриб чиқиш;

1 - коррупцияни юқоридан бошлаб йўқотиш;

8 - кадрлар тизимини қайта кўриб чиқиш;

5 - жазони кучайтириш;

2 - ошкораликни кучайтириш.

Агентлик томонидан ҳар ойда вилоятлар миқёсида жиноятчилик статистикаси, бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши, аҳоли муурожаатлари ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар каби маълумотлар умумлаштирилган ҳолда ҳудудлар ва соҳалар кесимида коррупция даражасини рейтинг баҳолаш ишлари амалга оширилади.

Хусусан, 2022 йил 11 май куни Тошкент вилоят коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг йиғилишида<sup>97</sup> Агентлиги, Бош прокуратура Академияси раҳбарияти, Миллий кенгаш аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда Ҳудудий кенгаш аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда Кадастр агентлиги ва унинг қуйи ташкилотларида учраётган коррупциявий жиноятлар таҳлили, шунингдек, ушбу тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан масъулларнинг ахбороти эшитилди.

Масалан, Агентлик директори У.Тухташева ўз маърузасида 2022 йилнинг февраль-апрель ойларида Тошкент вилоятида 117 та коррупциявий жиноят содир этилгани, 69 та назорат объектида 17,6 млрд сўмлик молиявий қонунбузилиши ҳолатлари аниқлангани таъкидланди.

---

<sup>97</sup> <https://anticorruption.uz/uzc/item/2022/05/11/toshkent-viloyat-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-hududiy-kengashi-yigilishida-kadastr-tizimi-masullarining-eshituv-i-bolib-otdi>

Мулоқотлар давомида кенгаш фаолиятида мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш, эшитувлар ташкил этиш каби инструментлардан самарали фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, коррупциянинг олдини олишга қаратилган барча норматив ҳужжатлар, дастурлар, белгиланган вазифаларнинг ижросини самарали ва ўз вақтида таъминлаш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Эшитув якунида Кенгаш аъзолари масъулиятини ошириш бўйича аниқ чоралар кўриш, шунингдек, кадастр тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, асосий вазифалар белгилаб олинди.

## **2.2. Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни амалга ошириш муаммолари**

Кейинги пайтда ҳудуд ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида давлат томонидан катта ҳажмдаги маблағлар йўналтирилмоқда. Лекин бу маблағларнинг тўғри ва самарали ишлатилишини назорат қилиш борасида, авваламбор, шу ҳудудлардан сайланган депутатларнинг иштироки деярли сезилмаяпти.

Ҳолбуки, жойларда ажратилган маблағлардан нотўғри фойдаланиш, уларни талон-тароҷ қилиш, коррупция ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Президентимиз жамиятимизда коррупция иллоти ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди, деб афсусланиб гапирдилар.

Тадбиркорлар ҳанузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётганини Президент номига келиб тушаётган кўплаб мурожаатлар ҳам, матбуот ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди<sup>98</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқида<sup>99</sup> коррупцияга қарши кескин курашиш муҳитини яратишда Сенатнинг ролини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Хусусан, бугунги кунда давлат хизматчилари, ҳатто юқори лавозимлардаги масъул шахслар томонидан содир этилаётган коррупция билан боғлиқ жиноятлар фoш этилмоқда. Бу ҳақдаги хабарлар оммавий ахборот воситаларида тез-тез эълон қилинмоқда. Айниқса, муайян ҳудуд

---

<sup>98</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

<sup>99</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/3304>

тақдири ишониб топширилган айрим мансабдорларнинг порахўрлик ва коррупция жиноятига қўл ураётгани ташвишли ҳолдир.

Шу каби, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ... давлат идораларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятига баҳо бериб, раҳбарларнинг жавобгарлиги масаласини Ҳукумат олдига қўйиши керак<sup>100</sup>.

Президентнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида ОАВнинг коррупцияга қарши курашишдаги ўрнини муҳим юзасидан қайд этиб, “Эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ғов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман”, деб таъкидлаган эди<sup>101</sup>.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкинлиги ҳақида сўз юритир экан – **“Рақамли технологиялар** нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор”<sup>102</sup>, деб қайд этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида<sup>103</sup> “Давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолатга

---

<sup>100</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/3303>

<sup>101</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/707>

<sup>102</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

<sup>103</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/2180>

бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кескин курашиш борасида ҳам аниқ чоралар кўрилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга мурасасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз.

Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт”<sup>104</sup>.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси**<sup>105</sup> “Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт.

Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур.

Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан мурасасиз бўлиш гоёсини фарзандларимизга ёшлик давридан бошлаб сингдиришимиз, уларга фақат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик орқали даромад топишни ўргатишимиз лозим.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олишда барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари, очиқ ва фақат очиқ бўлишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, фуқароларимиз жорий йилдан бошлаб очиқ эълон қилинаётган давлат харидларига оид маълумотлардан фойдаланиб, ўринли масалаларни кўтармоқда.

Бундан ташқари, охириги икки йилда **ҳокимларнинг 2,5 мингга яқин қарори судлар томонидан бекор қилингани** бундан буён уларнинг қарор

---

<sup>104</sup> Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. <https://president.uz/uz/lists/view/2180>

<sup>105</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

қабул қилишида очиқликни таъминлаш зарурлигини тақозо этмоқда. Шунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорларини ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизими жорий этилади.

Коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири – **кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини** йўлга қўйишдан иборат. Ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиқ ва ошқора танлов тизими жорий этилади.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат хизматчиларини мунтазам **ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш** тизими йўлга қўйилади.

Ҳаётимизнинг турли соҳаларида муаммо ва камчиликларимиз ҳам етарли. Жойларда ишни тўғри ташкил этмаслик, айрим раҳбарларда савия ва малака етишмаслиги, бюрократия, коррупция ҳолатлари, лоқайдлик ва бепарволик каби нуқсонлар ҳам борлиги сир эмас.

Жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, **сўз ва матбуот эркинлиги**, очиқлик ва ошқоралик тамойилларини чуқур қарор топдириш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали **жамоатчилик назоратини** ўрнатиш бўйича бошлаган ишларимиз ортга қайтмас тус олганини яна бир бор таъкидламоқчиман<sup>106</sup>.

Коррупцияга йўл очиб бераётган **ер ажратиш** амалиёти тубдан ислоҳ қилинди. Бу жараён эндиликда ер ажратиш электрон тизими орқали амалга оширилмоқда<sup>107</sup>.

Ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилинди. Шу билан бирга, мулк дахлсизлиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан, улар қандай лавозим эгаси бўлишидан қатъи назар, жавобгарлик кучайтирилди.

---

<sup>106</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/3824>

<sup>107</sup> Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. <https://president.uz/uz/lists/view/3119>



### **III БОБ. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ҲУДУДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

#### **3.1. Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашишда ҳудудий чора- тадбирларни миллий қонунчилик, халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқиш**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда халқаро ҳуқуқ нормалари, яъни ФАТФ тавсиялари, БМТ конвенциялари ва бошқа ҳужжатлар мамлакатларга асосий мажбуриятларни юкловчи манба ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатларнинг иштирокчилари бўлиш орқали давлатлар ўзларига халқаро ҳуқуқнинг қатъий мажбуриятларини юклайдилар ва ўзларининг миллий қонунчилик амалиёти ва сиёсатини шартнома талабларига ва унинг меъёрларига мувофиқлигини таъминлашлари зарур.

Бироқ ҳар қандай халқаро ҳужжатлар бу турдаги жиноятларга қарши курашишда самарали ҳисобланмайди, чунки ҳар бир давлатнинг фундаментал қонунчилиги, халқ менталитетидан келиб чиқиб миллий концепция ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Дунё бўйлаб жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш амалиётини ўрганиб чиқадиган бўлсак бу жиноятларга қарши курашишда АҚШ, Европа давлатлари ичида эса Литва алоҳида ўрин тутади.

Сабаби, ФАТФ тавсияларидан келиб чиққан ҳолда, молиявий терговни амалга оширишдаги хорижий тажриба ўрганилганида, молиявий тергов дастлаб АҚШда қўлланила бошлаганини кўриш мумкин.

Хусусан, АҚШ Молия вазирлиги томонидан молиявий тергов ўтказилиши молиявий жиноятлар бўйича пул маблағлари оқимини аниқлаш

ва қайд қилишда ифодаланиб, ушбу фаолият билан боғлиқ молиявий хужжатларни ўрганишдан иборат.<sup>108</sup>

АҚШ Молия вазирлиги тизимида молиявий жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш мақсадида Ички даромадлар хизмати (Internal Revenue Service, IRS) ва унинг бўлинмалари, терроризмга қарши курашиш ва молиявий разведка хизмати (Office of Terrorism and Financial Intelligence, TFI) ташкил этилган.

Вазирликнинг терроризмга қарши курашиш ва молиявий разведка хизмати таркибида молиявий жиноятларга қарши курашиш бўлими (Financial Crimes Enforcement Network, FinCEN) мавжуд бўлиб, ушбу бўлим шубҳали ва жуда кўп миқдордаги пул маблағлари билан боғлиқ операцияларни ўрганиш орқали жиноий даромадларни легаллаштириш ва бошқа молиявий жиноятларга қарши курашишни амалга оширади, бу каби операциялар бўйича маълумотлар базасини юритади ҳамда молиявий жиноятларга қарши курашишни амалга оширувчи ваколатли органлар билан маълумотлар алмашинувини таъминлайди.

Ушбу бўлинмаларнинг молиявий терговни амалга оширишдаги асосий вазифаси жиноий фаолият билан боғлиқ бўлган пул маблағларини аниқлаш ва унинг ҳаракатини қайд этишдан иборат. Чунки пул маблағларининг қаердан келгани, уларни ким олгани ва қачон қўлга киритгани, қандай усулда амалга оширилганлигидан далолат берувчи фактларни ўрганиш орқали жиноий фаолиятни фош этиш мумкин.

АҚШ тажрибасига кўра, молиявий тергов тушунчасига бир мунча кенгроқ ёндашилади, яъни бу жараён фақат молиявий соҳадаги жиноятларни эмас, балки молия тизимидан фойдаланиб содир этилган бошқа жиноятларни ҳам ўз ичига олади.

Мисол учун, АҚШда наркобизнеснинг молиявий жиҳатлари ҳам молиявий жиноят ҳисобланади.

---

<sup>108</sup> Қаранг: Лебедев И.А., Ефимов С.В. Финансовые расследования: российская практика и зарубежный опыт. Аудиторские ведомости. 2018. №10. <https://wiseeconomist.ru/poleznoe/42641-finansovye-rassledovaniya-rossijskaya-praktika-zarubezhnyj-opyt>.

АҚШнинг Молиявий жиноятларга қарши курашиш хизмати директори Уильям Фокснинг фикрича, ушбу соҳада фаолият олиб борувчи мутахассисларининг асосий вазифаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноий йўл билан топилган пулларнинг молиявий жиҳатларини аниқлашда ёрдам беришдан иборат.<sup>109</sup>

Молиявий терговнинг амалий фаолият сифатидаги аҳамияти - жиноий фаолиятнинг молиявий жиҳатлари, элементларини аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил, банк ва бошқа амалий-иқтисодий фанлардан фойдаланиш бўйича услубий қоидалар мажмуасини қўллашдан иборат.

Шу ўринда Литва Республикаси тажрибасини ўрганидаган бўлсак, Литвада молиявий тергов олиб боришда қонунчилик асослари яратилганлиги, бу борадаги фаолият самарадорлиги ФАТФ томонидан ижобий баҳоланганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Литва Бош прокурорининг 2013 йил 19 мартдаги буйруғига асосан молиявий тергов ўтказиш бўйича Тавсиялар тасдиқланган.

Ушбу ҳужжатда молиявий тергов тушунчаси, ўтказиш тартиби, жиноят иши кўзғатишга қадар ва жиноят иши бўйича молиявий тергов ўтказиш, маълумотлар тўплаш, мол-мулкни мусодара қилишнинг қонуний асослари, учинчи шахсларга тегишли мол-мулкларни мусодара қилиш тартиби ёритиб берилган.

Чунончи, Литвада молиявий тергов тушунчасига шахсга ёки унга алоқадаор бўлган жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ҳар қандай шаклдаги мол-мулк, битимлар ва молиявий операциялар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш жараёни сифатида таъриф берилган.

Молиявий терговнинг мақсади жиноий ёки бошқа ноқонуний йўллар билан олинган бўлиши мумкин бўлган мол-мулкни ёки тегишли қийматдаги мол-мулкни мусодара қилиш фуқаролик даъвосини таъминлаш, шунингдек

---

<sup>109</sup> Қаранг: Американцы зовут нас в разведку. Интервью Уильяма Фокса//Российская газета. - 2005. - N 3780. <https://rg.ru/2005/09/09/finrazvedka-usa.html>.

тергов учун зарур бўлган мол-мулк ва молиявий операциялар билан боғлиқ маълумотларни ўрганиш ҳисобланади.

Молиявий тергов жинойий ёки бошқа ноқонуний йўллар билан олинган бўлиши мумкин бўлган мол-мулкни ёки тегишли қийматдаги мол-мулкни мусодара қилиш ёки мавжуд фуқаролик даъвосини таъминлаш, шунингдек тергов билан боғлиқ бошқа маълумотларни тўплаш мақсадида жинойий фаолиятдан бевосита ёки билвосита фойда олиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай жинойятлар бўйича олиб борилиши лозим.

Жинойий мулкий фойда олиш фақатгина ҳар қандай шаклдаги мол-мулкни қўлга киритиш, балки мулкий мажбуриятдан бўйин товлаш ёки уни тўхтатишда (ҳаражат қилмаслик) ҳам ифодаланади.

Ушбу қоидалар Литва Республикасининг 2002 йил 20 июндаги № IX-965-сон «Тезкор фаолият тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида ўз аксини топган бўлиб, **жинойий қилмишлар содир этиш билан боғлиқ бўлган нарсаларни, пулларни, қимматли қоғозларни, бошқа мол-мулкни қидириш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.**

Мазкур норма билан **терговга қадар текширув жараёнида молиявий тергов ўтказишнинг мажбурийлиги белгиланган.**<sup>110</sup>

Дастлабки тергов жараёнида молиявий тергов ЖПК ва бошқа қонун талабларига асосан олиб борилади.

Гумон қилинувчининг ноқонуний бойлик орттириши факти, жинойий фаолиятдан олинган ноқонуний даромад миқдори жинойят қонунини қўллаш билан боғлиқ бўлгани, жинойят иши доирасида исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳисобланади.

Чунончи, Литва Жинойят кодексининг 72-моддаси нормалари талқинига кўра, **дастлабки терговни амалга оширувчи мансабдор шахс, прокурор ва судларга мол-мулкни мусодара қилиниши таъминлаш, яъни**

---

<sup>110</sup> Литва Республикасининг 2002 йил 20 июндаги № IX-965-сон «Тезкор фаолият тўғрисида»ги Қонуни., 5-модда.

**айбланувчининг жиноий фаолиятдан олинган даромадлари хажми, ноқонуний даромад олиш факти, айбланувчи ёки бошқа шахларга тегишли, жиноий фаолиятдан олинган мол-мулк ёки қийматига тенг мол-мулкни қидириб топиш ва ушбу мол-мулкдан фойдаланишни чеклаш чораларини кўриш мажбурияти юкланган.**

Шу каби, Литва Республикасининг 14.03.2002 йилдаги IX-785-сон Қонуни билан қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексининг 151-моддаси 1-қисмида фуқаровий даъвони ёки мол-мулкни мусодара қилиниши мумкинлигини таъминлаш мақсадида прокурорнинг қарори асосида **гумон қилинувчига ёки ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий йўл билан олинган ёки қўлга киритилган мол-мулкка эга бўлган гумон қилинувчининг** ҳаракатлари учун моддий жавобгар бўлган жисмоний ёки жисмоний шахсларга нисбатан **мулкка бўлган ҳуқуқларни вақтинча чеклаш тайинланиши мумкин.**

Мол-мулкнинг мусодара бўлиши мумкинлигини ёки фуқаровий даъвони таъминлаш учун юридик шахснинг мол-мулки ҳам прокурор қарорига асосан **вақтинча чекланиши мумкин.**

Ушбу қонунда Мол-мулкдан фойдаланишни **вақтинча чеклаш, мол-мулкка таъқиқ қўйиш шаклида тинтув ёки олиб қўйиш ҳаракатлари билан бирга ўтказилади.** Мол-мулкдан фойдаланишни вақтинча чеклаш 6 ойгача бўлган муддатга қўлланилиб, кўпи билан яна олти ойга фақат суд орқали узайтирилиши мумкин.

Жиноят кодексига берилган таърифга кўра, мол-мулкни мусодара қилиш - мусодара қилиниши лозим бўлган ва ҳуқуқбузарнинг ёки бошқа шахсларнинг ихтиёрида бўлган ҳар қандай турдаги мол-мулкни давлат мулкига мажбуран текин ўтказишдан иборат.

Ушбу Кодексда тақиқланган ҳаракатни содир этишда фойдаланилган қурол ёки восита ёхуд бундай ҳаракатнинг бевосита ёки билвосита натижасида олинган ҳар қандай шаклдаги мол-мулк мусодара қилинадиган мулк деб топилади.

Мусодара этилиши белгиланган ҳуқуқбузарнинг мол-мулки ҳар қандай ҳолатда мусодара этилиши лозим.

Бошқа жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган ва мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк, шахс ушбу Кодексда тақиқланган қилмиш учун судланганлигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак, агар:

1) шахс мулкни ҳуқуқбузарга ёки бошқа шахсларга ўтказётганда у ушбу мулкдан Кодексда тақиқланган қилмишни содир этиш учун фойдаланилишини билган ёки билиши лозим бўлганда;

2) мулк сохта битим орқали ўтказилганда;

3) мол-мулк унга ҳуқуқбузарнинг оила аъзоси ёки яқин қариндоши сифатида берилганда;

4) мол-мулк унга юридик шахс сифатида берилган бўлса, айбдор, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошлари юридик шахснинг раҳбари, унинг бошқарув органининг аъзоси ёки юридик шахс улушларининг камида еллик фоизига егаллик қилувчи иштирокчилар бўлса. (акциялар, депозитлар ва бошқалар);

5) мол-мулкни сотиб олаётганда юридик шахсда бошқарув лавозимларини эгаллаб турган ва унинг вакили бўлган, юридик шахс номидан қарорлар қабул қилиш ёки юридик шахс фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан мулк ушбу Кодексда тақиқланган қилмишни содир этиш учун фойдаланиладиган восита ёки восита ёки бундай қилмишнинг натижаси эканлиги маълум бўлган тақдирда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки мазкур қонунда мол-мулк яширилган, сарфланган, учинчи шахсларга тегишли бўлса, ёки бошқа сабабларга кўра олиб қўйиш имконияти бўлмаса, ёхуд ушбу мулкни мусодара қилиш мақсадга мувофиқ бўлмаса, суд ҳуқуқбузардан ёки 72-модданинг 4-бандида кўрсатилган шахслардан мусодара қилинадиган мол-мулкнинг қийматига тенг пул суммасини ундириши белгиланган.

Бундан ташқари, Литва ЖКнинг 72<sup>3</sup>-моддасида мулкни кенгайтирилган мусодара қилиш тартиби белгиланган бўлиб, ҳуқуқбузарнинг қонуний

даромадига номутаносиб мол-мулки ёки унинг бир қисмини, агар ушбу мулк жиноий йўл билан олинган деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда давлат даромадига ўтказиш ҳисобланади.

Мулкни кенгайтирилган мусодара қилиш қўйидаги шартларга асосан қўлланади:

1) жиноят содир этган шахс унча оғир бўлмаган, оғир ёки оғир қасддан содир этган жинояти учун судланган бўлиб, ушбу қилмишлари орқали моддий манфаат олган ёки олиши мумкин бўлса;

2) ҳуқуқбузар ушбу Кодексада тақиқланган қилмишни содир этиш пайтида, содир этилганидан кейин ёки содир этилганидан олдинги беш йил мобайнида сотиб олинган, қиймати ҳуқуқбузарнинг қонуний даромадига тўғри келмайдиган ёки ўртача яшаш даражасидан 250 марта ортиқ бўлган мол-мулкка эгаллик қилса, ёхуд ёки ушбу бандда белгиланган муддатда бундай мол-мулкни бошқа шахсларга берса;

3) жиноят содир этган шахс томонидан суд жараёнида мулк келиб чиқишининг қонунийлиги тўғрисида далил тақдим этмаган бўлса.

Литва қонунчилигида жиноий даромадларни қидириш ва мусодара қилиш чораларини кўрилишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тегишли вазифаларнинг юклтилгани, мол-мулкни мусодара қилишнинг аниқ тартиби белгиланган диққатга сазовор.

Кейинги ўринда **Россия Федерациясининг** молиявий терговни амалга оширишдаги тажрибасини ўрганганимизда маълум бўлишича, жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида махсус ваколатли орган Молиявий мониторинг бўйича федерал хизмат яъни “Росфинмониторинг” ҳисобланиб, у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланмасада, ваколат доирасида ушбу соҳада молиявий терговни амалга оширади.

Россия Федерациясининг (кейинги ўринларда РФ деб юритилади) «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги 1995 йил 12 августдаги №144-ФЗ-сон Федерал Қонунининг 2-моддасида **мусодара қилиниши лозим бўлган**

**мол-мулкни аниқлаш** тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

РФнинг Жиноят кодекси 104.1-моддасида мулкни мусодара қилиш — қуйидаги мол-мулкни айблов ҳукми асосида мажбурий текин олиб қўйиш ва давлат мулкига ўтказиш:

а) ЖКда назарда тутилган жиноятларни содир этиш натижасида олинган пул, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулк;<sup>111</sup>

б) ушбу модданинг «а» бандида назарда тутилган жиноятларнинг камида биттасини содир этиш натижасида олинган олинган пул, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мулк, ёки ушбу мол-мулкдан олинган даромадлар қисман ёки тўлиқ мулкка айлантирилган ёки шакли ўзгартирилган бўлса;

в) терроризмни, экстремистик фаолиятни, уюшган гуруҳни, ноқонуний қуролли гуруҳни, жинойий уюшмани (жинойий ташкилотни) молиялаштириш учун фойдаланилган ёки мўлжалланган пул, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулк;

г) айбланувчига тегишли бўлган жиноят содир этиш қуроллари, жиҳозлар ёки бошқа воситалар.

Агар жиноят содир этиш натижасида олинган мол-мулк ва (ёки) ушбу мол-мулкдан олинган даромад қонуний равишда сотиб олинган мол-мулкка қўшилган бўлса, ушбу мол-мулкнинг қўшилган мол-мулк қийматига ва ундан олинган даромадга тўғри келадиган қисми мусодара қилинади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган, маҳкум томонидан бошқа шахсга (ташкилотга) топширилган мол-мулк, агар мулкни қабул қилган шахс унинг жинойий ҳаракатлар натижасида олинганлигини билган ёки билиши керак бўлса, мусодара қилинади.

Агар ушбу Кодекснинг 104.1-моддасида кўрсатилган мол-мулк таркибига киритилган муайян предметни мусодара қилиш суд томонидан ушбу предметни ундан фойдаланиш, сотиш ёки бошқа сабабларга кўра

---

<sup>111</sup> Қаранг: Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 25.03.2022). ст. 104.1. // [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/f22429461fc4befb140b98a33cf3521eea282f7d/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/f22429461fc4befb140b98a33cf3521eea282f7d/).



мусодара қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиш вақтида имконсиз бўлса, суд ушбу ашёнинг қийматига мос келадиган пул суммасини мусодара қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ушбу Кодекснинг 104.1-моддасида кўрсатилган мол-мулк таркибига киритилган нарса эвазига мусодара қилиниши лозим бўлган маблағлар бўлмаган ёки етарли бўлмаган тақдирда, суд қиймати унинг қийматига тўғри келадиган бошқа мол-мулкни мусодара қилиш тўғрисида қарор чиқаради (РФ фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ ундириб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно).

Шу ўринда мулкнинг жиноий йўл билан қўлган киритилганлигини исботлаш суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланиб, жиноят содир этилишида айбни исботлашнинг асосий элементларидан биридир.

РФ ЖПКнинг 73-моддасида исботлаш талаб этилиши лозим бўлган ҳолатлардан бири сифатида мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк жиноят содир этиш натижасида олинганлигини ёхуд ушбу мол-мулкдан олинган даромадлар эканлигини ёхуд жиноят қуроли, воситалари сифатида фойдаланилганлиги ёхуд фойдаланишга мўлжалланганлигини тасдиқловчи ҳолатлар, терроризмни, экстремистик фаолиятни, уюшган гуруҳни, ноқонуний қуролли гуруҳни, жиноий уюшмани (жиноий ташкилотни) молиялаштиришнинг бошқа воситалари исботланиши лозим.<sup>112</sup>

Кодекснинг 81-моддасида жиноят содир этилиши натижасида қўлга киритилган пул, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулк **ашёвий далил ҳисобланиши** ва давлат фойдасига мусодара қилини ёки эгасига қайтарилиши белгиланган.

РФ ЖПКнинг 115-моддасида мол-мулкни хатлаш тартиби белгиланган. Унга кўра, ЖКнинг 104.1-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган фуқаролик даъвоси, жарима, бошқа мулквий жазо ундирилиши

---

<sup>112</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 25.03.2022, с изм. от 19.04.2022).

[http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/8df922a844472bdc48ce6de290804580038fc834/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/8df922a844472bdc48ce6de290804580038fc834/)

ёки мулкни мусодара қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида терговчи, тергов органининг раҳбари ёки суриштирувчи прокурорнинг розилиги билан гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки уларнинг қилмишлари учун қонуний жавобгар шахсларнинг мол-мулкни хатлаш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилади.

Суд илтимосномани кўриб чиқиб, мулкни хатлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда бундай қарор қабул қилинишига асос бўлган аниқ, фактик ҳолатларни кўрсатиши, шунингдек, олиб қўйилган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф етиш билан боғлиқ чекловларни белгилаши шарт.

Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи бўлмаган ёки уларнинг қилмишлари учун қонуний жавобгар бўлган бошқа шахсларнинг мол-мулки, агар ушбу мол-мулк гумон қилинувчининг, айбланувчининг жиноий ҳаракатлари натижасида олинган, деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлса, хатланиши мумкин.

**Францияда** ҳам жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳисобварақларига эгалик қилиш ёки назорат қилишни ўз вақтида аниқлашнинг самарали механизмлари мавжуд.

Суд, назорат органлари, тергов органлари, полиция ва божхона ходимлари, шунингдек суд солиқ инспекторлари, миллий марказий банкнинг ҳисоб варақлар файли (FICOBA) дастури орқали банк маълумотларига бевосита кириш ҳуқуқига эга.

Ушбу марказлаштирилган маълумотлар базаси Давлат бюджет бошқармаси томонидан бошқарилиб, унда жисмоний шахсларнинг фуқаролик ҳолати, ҳисоб рақами, тури, юридик шахслар учун ҳуқуқий шакл/СИРЕТ рақами тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Терговчилар ушбу базадан (суд қарори билан) Францияда жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек Францияда ташкил этилган француз ёки хорижий ташкилот эгалик қиладиган активларни аниқлаш учун

фойдаланишлари мумкин.

Хусусан, ваколатли органлар ҳисоб варақлардан эгасининг хабардорлигисиз, уни олдиндан огоҳлантирмасдан активларни аниқлаш жараёнида фойдаланадилар.<sup>113</sup>

Ушбу ваколат Франция ЖПКнинг 18-моддасида белгиланган бўлиб, прокуратура органлари француз жиной полицияси терговчилари сифатида жиной йўл билан олинган мол-мулкни аниқлаш, таъқиб қилиш ва мусодара қилиш тўғрисида иш қўзғатиш ваколатига эга.

Шу ўринда, Франция Жинойт қонунчилиги нормаларини ўрганадиган бўлсак, Жинойт кодексида жиной йўл билан олинган даромадларнинг мусодара қилиниши аниқ нормалар билан белгиланганини кўришимиз мумкин.

Чунончи, Франция Жинойт кодексининг **131-21** моддасига кўра, **мол-мулкни мусодара қилиш жиной жазо тури ҳисобланади.**

Жиной қилмиш содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланиш мумкин бўлган нарсалар, жиной қилмиш натижасида қўлга киритилган нарсалар мусодара этилади.

Бундан ташқари, мусодара қонун ёки жиной ҳаракатни жазолайдиган қоидалар билан белгиланган ҳар қандай кўчар мулкка нисбатан қўлланиши мумкин.

Агар мусодара қилиниши лозим бўлган нарса олиб қўйилмаган ёки олиб қўйилиши мумкин бўлмаса, унинг қийматига тенг миқдордаги нарса мусодара қилиниши белгиланган.

Бу борада илмий изланишлар олиб борган олимларнинг фикри ҳам турлича бўлиб, молиявий тергов атамасига турлича таърифлар берилган.

Айрим олимлар молиявий тергов тушунчасини «форензик» атамаси билан бир хил деб ҳисоблашади.

Хусусан, А.Эноф ва П.Омегбонлар форензик атамасига фирибгарликни

---

<sup>113</sup> Отчет взаимной оценки мерь Франции по борьбе с отмыванием денег и финансированием терроризма. 2022 г. Май. <https://www.fatf-gafi.org/publications/mutualevaluations/documents/mer-france-2022.html>. С. 81-100, 300-303.

фош этиш учун аудиторлик, криминалистик ва молиявий воситаларни ўзида акс эттирувчи фаолият деб таъриф беришган.

Ҳозирда бу фаолиятдан асосан хусусий секторда кенг фойдаланилмоқда, яъни форензик компаниялардаги ходимларнинг фирибгарлик ва коррупцион жиноятларини фош этишга қаратилган фаолият бўлиб, молиявий ҳужжатлар таҳлили ва компьютер дастурлари, технологияларини ўрганиш орқали амалга оширилади.<sup>114</sup>

Биз бу таърифга тўлиқ қўшила олмаймиз, сабаби халқаро стандартларга мувофиқ молиявий тергов давлат томонидан махсус ваколат берилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки бошқа назорат идоралари томонидан амалга ошириладиган фаолият тури ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган хусусий сектордаги айрим компаниялар, аудиторлик ташкилотлари томонидан ички молиявий барқарорликни таъминлашда ўтказилаётган аудиторлик хусусиятига эса текширувлар том маънода молиявий тергов ҳисобланмайди, ушбу органларни ҳам молиявий терговни амалга оширувчи субъектлар қаторига киритиб бўлмайди.

Зеро, ушбу ташкилотлардан, улар томонидан тақдим этилган маълумотлардан молиявий терговни амалга оширишда ёрдамчи куч ва восита сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида эса форензик бу компьютер технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар бўйича далилларни тўплаш ва баҳолашдан иборат криминалистик тадбирларни ташкил этади.<sup>115</sup>

Фикримизча, форензик молиявий терговнинг бир қисми бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки ваколат берилган бошқа идоралар томонидан амалга оширилганида муҳокама қилинаётган мавзунинг предмети ҳисобланади.

Ушбу соҳада изланишлар олиб борган рус тадқиқотчилари

---

<sup>114</sup> Федотов Н.Н.: Форензика - компьютерная криминалистика - М.: Юридический мир, 2007. 12-13-бетлар.

<sup>115</sup> Медведев И.В.: Компьютерная криминалистика «форензика» и киберпреступность в России., Пролог, 2013. 67-68-бетлар., <https://cyberleninka.ru/article/n/kompyuternaya-kriminalistika-forenzika-i-kiberprestupnost-v-rossii>.

Е.Кондратьева ва А.Горюновлар молиявий тергов атамасига пул маблағлари билан боғлиқ муносабатларда содир этилган жиноятларни ўрганиш ва далиллар тўплаш сифатида таъриф беришган.

В.Ефимов ва А.Бродуновлар молиявий тергов иқтисодий жиноятларни тергов қилиш, ички аудит ўтказиш ва давлат томонидан амалга ошириладиган назорат функцияларидан иборат эканлиги тўғрисида фикр билдиришган.

Ушбу йўналишда охириги изланишларни олиб борган Н.Стаканова ва Т.Татаровскаяларнинг фикрича, молиявий тергов жиноий фаолиятнинг молиявий жиҳатларини ўрганиш, яъни жиноий фаолият натижасида олинган даромадлар, пул маблағларининг ҳаракатини аниқлаш ва қайд этишдан иборат фаолият ҳисобланади.

Уларнинг таъкидлашича, молиявий терговни ўтказишда иқтисодий (қонун бузилишларини содир этишнинг иқтисодий механизмларини аниқлаш ва ўрганиш), ҳуқуқий (ҳуқуқбузарликларни квалификация қилиш), криминалистик (ҳужжатларни тўплаш, ўрганиш ва мустаҳкамлаш), криминологик ва психологик (иқтисодий жиноятларни содир этган шахснинг психологик хусусиятларини аниқлаш) омиллар мавжудлигини назарда тутувчи фанларро аълоқадорликни таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борган миллий соҳа намояндлари У.Нигмаджанов ва Д.Хамзаевлар молиявий тергов тушунчасига жиноятларнинг молиявий жиҳатларини комплекс ўрганиш сифатида таъриф беришиб, молиявий операцияларни тўлиқ ўрганиш ва объектив баҳо бериш учун қўшимча билимлар талаб этилишини таъкидлашган.

Бизнинг фикримизча ҳам иқтисодий жиноятлар бўйича молиявий терговни амалга оширишда жиноий даромадларни легаллаштириш усулларини ўз вақтида аниқлаш, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкларнинг ҳаракатини ўрганиш, зудлик билан хатлаш чораларини кўриш, далилларни тўплашни таъминлаш мақсадида молия, суд-бухгалтерия, криминалистика,

криминология, аудит тўғрисида билим ва кўникмаларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан идоравий тайёргарлик ва кадрлар малакасини оширишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва институтлар даражасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун молиявий тергов олиб бориш бўйича махсус ўқув курсларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Шу мақсадда, иқтисодий жиноятларнинг молиявий жиҳатларини тўлиқ ўрганиш, жиноий йўл билан олинган даромадларни тўлиқ фош этиш, мусодара қилинишини таъминлаш, жиноятларнинг содир этиш усулларини, жиноят иштирокчиларини тўлиқ фош этилишини таъминлаш мақсадида куйидаги таклифлар киритилади:

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида молиявий тергов, шу жумладан параллел молиявий тергов ўтказиш тартибини белгиловчи ҳуқуқат даражасида норматив ҳужжат ишлаб чиқиш;

- олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризм молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги махсус ўқув курсларини киритиш;

- олий таълим муассасалари, шунингдек, идоравий таълим муассасаларининг бундай жиноятларга қарши курашиш бўйича таълим беришга масъул ўқитувчи ҳамда мутахассислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни назорат қилувчи идоралар мутахассисларининг малакасини ва касбий тайёргарлигини ошириш бўйича ўқув дастурларини жорий этиш;

- жиноий даромадларни легаллаштиришга, терроризм молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасида амалий тавсияларни ишлаб

чиқиш ҳамда махсус ўқув-методик ва бошқа адабиётларни яратиш.

Ушбу таклифларимизнинг амалиётга татбиқ этилиши жиноий йўл билан олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкларнинг ўз вақтида аниқланиши ва хатланиши, янги жиноятлар содир этилишининг олди олиниши, жиноий гуруҳларнинг фаолиятига чек қўйилишида самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

### **3.2. Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашишда ҳудудий чоратадбирларни самарали амалга ошириш**

Изданишимиз жараёнида маълум бўлишича, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш борасидаги халқаро стандартлар, мамлакатлар учун мажбурий ҳисобланиб, қонунчиликка имплементация қилиниши ва фаолият самарадорлигини таъминлаш чоралари кўрилишини талаб этмоқда.

Фикримизнинг далили сифатида мамлакатларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш борасидаги миллий тизимнинг ФАТФ, ЕАГ ёки регионал гуруҳлар томонидан баҳоланиш натижалари бўйича расмийлаштирилган ҳисоботларда кўришимиз мумкин.

Зеро баҳолаш жараёнида мамлакатларнинг халқаро стандартлар, яъни ФАТФ тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиниши таҳлил қилиниб, назорат идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг идоравий ҳужжатлари ишлаб чиқилгани, ушбу фаолиятни тўғри ташкил этиш бўйича методологиялар ишлаб чиқилгани, ходимларнинг касб малакасини ошириш борасидаги ишларнинг қўлга қўйилгани, фаолият самарадорлигига қандай ижобий таъсир кўрсатгани ўрганилиб, шу асосда миллий қонунчиликка баҳо берилмоқда.

Бу ўз навбатида мазкур соҳасидаги назарий, ташкилий, ҳуқуқий муаммоларни комплекс ўрганиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказиш такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқишда юқорида асослаб келтирганимиздек, назарий ҳамда таҳлиллар ва иш ҳужжатларини яқиндан ўрганиш давомида бир қанча муаммоларга дуч келдик.



Хусусан, бу борада халқаро стандартлар, хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили натижаларига кўра, тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, жиноят-процессуал қонунчилигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят содир этилиши натижасида қўлга киритилган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш, мусодара қилишни таъминлаш мақсадида хатлаш, суд томонидан эса мусодара қилиниши таъминлаш асосий вазифа сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органлари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, умуман олганда асосий жиноятлар бўйича молиявий тергов олиб боришда етарли ҳуқуқий асослар бўлиши, бу борадаги ягона амалиётнинг йўлга қўйилиши фаолиятнинг самарали ташкил этилишини таъминлайди.

Шу сабабли, мавжуд муаммо ҳамда камчиликларга тўхталиб, уларни бартараф этиш, илмий, ташкилий, ҳамда амалий таклифларимизни бирма-бир келтириб, асослаб беришга ҳаракат қиламиз.

**Биринчидан,** жиноят, жиноят процессуал, тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига жиноий фаолиятдан олинган легаллаштиришга қарши курашиш борасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, амалдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;

- жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш;

- суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва конунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни кидиришни амалга ошириш, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш;

- шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ходисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплаш.

Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 13-моддасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мажбуриятлари сифатида ҳам жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш белгиланмаган.

Ушбу нормада тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш вазифасининг киритилмаганлиги, фаолият самарадорлигини таъминлашда салбий таъсир кўрсатмоқда.<sup>116</sup>

Шу муносабат билан «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари сифатида **жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш** тўғрисидаги нормани киритиш таклиф этилади

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 13 моддасига эса тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мажбуриятлари сифатида **жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш** тўғрисидаги нормаларни киритиш таклиф этилади.

Шу каби, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 39<sup>2</sup>-моддасида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахси жиноятнинг олдини олиш ёки унинг содир этилишига йўл қўймайлик,

---

<sup>116</sup> Отчет о взаимной оценке.

далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни қидириб топиш ҳамда жиноят туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириши шартлиги белгиланган.

Терговга қадар қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахси мажбуриятларига **қўшимча равида жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлашни киритиш** таклиф этилади.

**Иккинчидан**, жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув, дастлабки терговни олиб боришда жиноий йўл билан қўлган киритилган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулклар, ёки уларга тенг қийматдаги мол-мулнинг хатланиши тўғридан-тўғри белгиланмаган бўлиб, асосий урғу ашёвий далилларнинг хатланиши, фуқаровий ҳамда мулкий ундирувларни таъминлашга қаратилган.

Бироқ, жиноий йўл билан қўлган киритилган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулклар, ёки уларга тенг қийматдаги мол-мулнинг хатлаш аниқ нормалар билан белгиланмаган.

Бу ҳолат миллий тизимни ўрганиш натижаларига кўра салбий кўрсаткич сифатида баҳоланган.<sup>117</sup>

Мисол учун, ЖПКнинг 384-моддасида айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ҳал этиши лозим бўлган масалалар кўрсатилган, хусусан модданинг 9-бандида фуқаровий даъвони ва бошқа мулкий ундиришларни таъминлаш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини текшириши шартлиги белгиланган.

ЖПК нормаларини ФАТФ тавсияларига мувофиқлаштириш, молиявий тергов ўтказишнинг қонуний асосларини такомиллаштириш мақсадида ЖПКнинг 384-моддаси 9-бандини айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ёки унинг

---

<sup>117</sup> Отчет о взаимной оценке Республики Узбекистан.

ўринбосари томонидан қуйидагиларни ўрганиш шартлигини назарда тутувчи таҳрида баён этиш таклиф этилади:

**фуқаровий даъвони ва бошқа мулкӣ ундиришларни таъминлаш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини, шу жумладан жиноят содир этилиши натижасидан қўлга киритилган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулклар, ёки уларга тенг қийматдаги мол-мулкнинг хатланганлигини текшириши шарт.**

Шу ўринда, хорижий тажрибани ўрганиш натижаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий қонунчиликда ашёвий далил тушунчасига тўлиқ таъриф берилмаган, хусусан, жиноят модир этилиши натижасида қўлга киритилган ёки олинган фойда, яъни пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулк ашёвий далил тушунчасига киритилмаган.

Бу эса ўз навбатида дастлабки тергов олиб боришда ушбу тоифадаги мол-мулкни хатлаш жараёнига нотўғри ёндашишга олиб келади. Шу ўринда халқаро экспертлар томонидан миллий қонунчиликаги ушбу бўшлиқ тергов органлари томонидан асосий эътиборни жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш чораларини кўришга қаратилиб, жиноий даромадларни аниқлаш ва хатлаш чораларини кўришга етарли эътибор қаратилмаганлиги таъкидланган.<sup>118</sup>

Мусодара қилишни ҳуқиқий тартибга солишнинг юқоридаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда миллий тизимни ўрганган экспертлар ҳулосасига кўра, моддий зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлардан олинган даромадлар, жиноят содир этиш қуроллари ва воситалари ҳамда унинг эквиваленти миқдоридаги мол-мулк мусодара қилиш мамлакатнинг жиноятчиликка қарши курашишда сиёсатининг мақсадиди ва механизми эмас<sup>119</sup>.

Фикримизча ЖПКнинг 203-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

---

<sup>118</sup> Отчет о взаимной оценке.

<sup>119</sup> Отчет о взаимной оценке. П. 471.

«келиб чиқишини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса, **жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ҳамда бошқа мол-мулк** ашёвий далил ҳисобланади».

Учинчидан, ФАТФнинг 30-тавсиясида мамлакатлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимининг самарадорлиги ва натижадорлиги билан боғлиқ масалалар бўйича тўлиқ статистик маълумотларни юритиши лозим.

Ушбу ҳисоботлар қабул қилинган ва юборилган шубҳали оперциялар, дастлабки тергов олиб борилган жиноят ишлари, қабул қилинган суд ҳукмлари, ушбу жиноят ишлари бўйича тўхтатилган, хатланган ва мусодара қилинган мол-мулк, халқаро-ҳуқуқий ёрдам ёки ҳамкорликни таъминлашдаги бошқа халқаро сўровлар бўйича маълумотлар иборат бўлиши керак.

Бироқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тергов ўтказилган жиноят ишлари, улар бўйича хатланган ва мусодара қилинган мол-мулк, жиноий даромадлар тўғрисидаги маълумотлар юзасидан ягона статистика юритилмаётганлиги маълум бўлиб, бу ушбу фаолиятни таҳлил қилиш, самарадорликни таъминлаш мақсадида мувофилаштиришда бир қатор қийинчиликлар туғдирмоқда.

Шу муносабат билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида дастлабки тергов ва суд натижалари, хатланган ва мусодара қилинган мол-мулк билан боғлиқ маълумотларни ўзида акс эттирувчи идоралараро ягона ҳисобот тизимини яратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

## **ХУЛОСА**

**Тадқиқот иши натижасида қуйидаги илмий-назарий, амалий-ташкилий ва миллий қонунчилик базасини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди**

### **I. Илмий-назарий асосларга оид хулосалар**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар дастури ва режасига тушунча бериш.

**Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий чора-тадбирлар дастури** - соҳадаги давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган маълум бир ҳудудда амалга ошириш учун мўлжалланган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва механизмлар тизими бўлиб, улар йўналиш ёки бўлимлар, ҳар бир бўлимни амалга ошириш чора-тадбири, амалга ошириш механизми, муддатлари, молиялаштириш манбалари ҳамда масъул ва қўшимча ижрочилари кўрсатилган ҳужжатдир.

**Коррупцияга қарши курашиш режаси** – коррупцияга қарши курашиш дастурлари, йўл хариталарининг маълум бир қисмини амалга ошириш учун мўлжалланган тадбирлар ва механизмлар тизими бўлиб, унда чора-тадбирни амалга ошириш механизми, муддатлари, молиялаштириш манбалари ҳамда масъул ва қўшимча ижрочилари кўрсатилган ҳужжатдир.

### **II. Ташкилий-ҳуқуқий масалаларга оид хулосалар**

**1.** Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда кўп сонли ва турли муддатларга мўлжаллаган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мавжуд бўлган ресурслардан самарасиз фойдаланишга олиб келмоқда.

Шу сабабли, илмий тадқиқот ва ижтимоий сўров натижалари, статистик маълумотлар, эксперт ва мутахассисларнинг фикрини ҳисобга

олган ҳолда ҳудудий дастурларни олдиан режалаштириш ва уларни ҳар 6 ойга мўлжаллаб қабул қилиш.

2. Коррупцияга қарши курашишда миллий, ҳудудий, маҳаллий, идоравий даражаларда ишлаб чиқиладиган чора-тадбирларни номлашда ишлатиладиган “стратегия”, “режа”, “дастур”, “комплекс режа”, “йўл харита” каби тушунчаларни тартибга солиш мақсадида услубий қўлланма ишлаб чиқиш.

3. Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатини ҳудудий даражада амалга ошириш мақсадида Тошкент вилояти учун хос бўлган ва коррупциявий хавф-хатарларга асосланган **Стратегияни** ишлаб чиқиш.

4. Тошкент вилоятида ишлаб чиқилаётган ҳудудий дастурларнинг чора-тадбирларини амалга оширишда юзага келадиган молиявий харажатларнинг манбалари бўлмаганлиги сабабли, дастурларин тегишли устун билан тўлдириш ва харажат суммаси, манбасини кўрсатиш, ҳар йили маҳаллий бюджетда коррупцияга қарши курашиш тадбирлари учун йиллик сметада ушбу масаларни кўриб чиқиш.

5. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган ва “комплаенс назорат” тизимида фойдаланишга мўлжалланган 10 дан ортиқ коррупцияга қарши курашиш намунавий ҳужжатларини Тошкент вилояти ҳудудидаги барча давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро органлари, давлат иштирокидаги ташкилотларда қабул қилинишини таъминлашга қаратилган “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва Ҳудудий кенгашнинг иш режаларига интеграция қилиш.

6. Тошкент вилоятидаги давлат органлари ходимларини коррупцияга қарши курашиш масаласида ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш, малакасини ошириш, шунингдек аҳолида коррупцияга нисбатан муросасизликни шакллантириш мақсадида ички кучлардан фойдаланишни чеклаш ва бу жараёнга илмий муассасаларни жалб қилиш (масалан, Бош

прокуратура Академияси, Давлат бошқаруви академияси, ЮМОМ).

7. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий дастурлар Худудий дастурларнинг бевосита самарали амалга оширилини инобатаг олиб, уларни ўзаро мувофиқлаштириш.

8. Худудий ва идоравий дастурларнинг амалга оширилиши бўйича тизимли мониторинг ва назорат ишларини йўлга қўйиш.

### **III. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар**

1. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддадаги Асосий тушунчаларни “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги идоравий дастурлар” ва “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги худудий дастурлар” тушунчалари билан тўлдириш.

2. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунни янги “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги идоравий ва худудий дастурлар” номли 6-1-модда билан тўлдириш ва унда мазкур дастурларни ишлаб чиқишга оид асосий талаблар, масъуллар, инобатга олишини лозим бўлган жиҳатларни киритиш.

3. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунни янги “Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича худудий кенгашлар” номли 8-1-модда билан тўлдириш.

Шу қаторда 8-моддадан Худудий кенгашга доир қоидаларни қисқартириш ҳамда амалдаги 8-1-моддани (Агентик) 8-2-моддага ўтказиш.



## Фойдаланилган адабиётлар

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 08.12.1992 йил // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/20596>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111453>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111460>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/2387357>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2016 йилдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-403-сон Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/2929477>.
6. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.
7. Ўзбекистон Республикасининг 12.04.2018 йилдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сон Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3679092>.
8. Ўзбекистон Республикасининг 10.05.2019 йилдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4329270>.
9. Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5382974>.
10. Ўзбекистон Республикасининг 10.05.2019 йилдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4329270>.

11. Ўзбекистон Республикасининг 10.05.2019 йилдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4329270>.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4838762>.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4875784>.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3105125>.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6752-сон Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5495529>.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2022 йилдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сон қарори

// [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/6000285>.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5841063>.

19. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 08.09.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 27-сонли буйруғи / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3319 // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5621185>.

20. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 13.05.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 41-сонли буйруғи / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13.05.2022 йилда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3368 // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/6014704>.

## **II. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тавсиялар:**

1. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (Нью-Йорк, 31.10.2003 йил) // <https://lex.uz/docs/1461329>.

2. Руководство для законодательных органов по осуществлению Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции, второе исправленное и дополненное издание, 2012 год [https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/LegislativeGuide/UNCAC\\_Legislative\\_Guide\\_R.pdf](https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/LegislativeGuide/UNCAC_Legislative_Guide_R.pdf)

3. Борьба с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии. Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в

рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. 2019 год.  
[https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf)

4. ОЭСР (2017), Предотвращение коррупции на отраслевом уровне в странах Восточной Европы и Центральной Азии на примере сферы образования, добывающей отрасли и полиции.  
<https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Study-Corruption-Prevention-Sector-Level-2017-RUS.pdf>

5. Руководство по передовому опыту в области внутреннего контроля, этики и комплаенса, 18.02. 2010 года. <https://rspp.ru/events/news/rukovodstvo-oesr-po-peredovomu-opytu-v-oblasti-vnutrennego-kontrolya-etiki-i-komplaensa--28070/>

6. Международный стандарт ISO 37001: Системы менеджмента противодействия коррупции – Требования и рекомендации по применению.

### **III. Хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатлари:**

1. Федеральный закон Российской Федерации от 25.12.2008 г. № 273-ФЗ «О противодействии коррупции». URL: <http://www.kremlin.ru/acts/bank/28623>.

2. Федеральный закон Российской Федерации от 06.10.2003 г. № 131-ФЗ «Об общих принципах организации местного самоуправления в Российской Федерации». URL: <http://www.kremlin.ru/acts/bank/20035>.

3. Закон Азербайджанской Республики “О борьбе с коррупцией”. URL: <https://mia.gov.az/ru/legislation/1/view/8/>.

4. Закон Республики Беларусь № 305-З от 15.07.2015 г. “О коррупции”. URL: [https://kodeksy-by.com/zakon\\_rb\\_o\\_borbe\\_s\\_korrupsiiej.htm](https://kodeksy-by.com/zakon_rb_o_borbe_s_korrupsiiej.htm).

### **IV. Монография, ўқув адабиётлари ва тўпламлар:**

1. Б.И.Исмаилов, И.И.Насриев - Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари // Ўқув-

услугий қўлланма.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Судьялар олий мактаби. 2020.-452 б.

2. Исмаилов Б.И. - Этические стандарты государственной службы в Республике Узбекистан и зарубежных странах. Методическое пособие.-Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан. 2019.-247 с.

3. Б.И.Исмаилов - Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланиши // Монография.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази, ЮМОМ. 2020.-170 б.

4. Исмаилов Б.И. - Институционализация национальных систем противодействия коррупции // Учебное пособие. -Т. Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2019. -233с.

5. Исмаилов Б.И. - Зарубежный опыт правовой регламентации противодействия коррупции на государственной службе-Т.: “Turon-Iqbol”, 2019. -126 с.

6. Исмаилов Б.И. Современные стратегии антикоррупционных реформ //Учебное пособие.-Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ., 2019. – 200 с.

#### **Хорижий адабиётлар:**

1. Heidenheimer A., Johnston M, Levine V. (dir. publ.). Political Corruption: A Handbook. New Brunswick: Transaction Publishers, 1989.

2. Meny Y. Corruption «fi n de sicle»: Changement, crise et transformation des valeurs // Revue internationale des sciences sociales. 1996. № 149 (September).

3. Pavarala V. Interpreting Corruption: Elite Perspectives in India. New Delhi etc.: Sage Publications, 1996.

4. Rose-Ackerman, S. Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform. Cambridge: Cambridge University Press, 1999. 266 pp.

5. Reuter, P., and E. M. Truman. 2004. Chasing Dirty Money: The Fight Against Money Laundering. Washington DC: Institute for International Economics.//<https://www.piie.com/bookstore/chasing-dirty-money-fight-against-money-laundering>.

6. Теплов В., Финансовое расследование. // Litres., 2018., Москва.

7. Федотов Н.Н.: Форе́нзика - компьютерная криминалистика. // М.: Юридический мир, 2007.

8. Многоликая коррупция: выявление уязвимых мест на уровне секторов экономики и государственного управления / под ред. Э. Кампоса и С. Прадхана; пер. с англ. М.: Альпина Паблишерз, 2010. 549 с.

9. Ромашина Е.В. Планово-программный аспект муниципального регулирования противодействия коррупции [Текст] / Е.В. Ромашина // Право и государство: теория и практика. 2013. № 8 (104) - С. 28 - 33. - 0,5 п.л.

10. Роуз-Аккерман С. Коррупция и государство: причины, следствия, реформы / пер. с англ. О. А. Алякринского. М.: Логос, 2003. 343 с.

11. Савинов Л. В. Коррупция как ментальность нации и этноса // Государственная власть и местное самоуправление. 2011. № 3. С. 37–39.

12. Сатаров Г. А. Как измерять и контролировать коррупцию // Вопросы экономики. 2007. № 1. С. 4–10.

13. Ромашина Е.В. Противодействие коррупции в деятельности органов местного самоуправления: монография [Текст] / Е. В. Ромашина // Елец: ЕГУ им. И.А. Бунина, 2012. - 160 с. - 10 п.л.

14. Ромашина Е.В. Международный компонент правовой системы регулирования противодействия коррупции органами местного самоуправления [Текст] / Е.В. Ромашина // Право и жизнь. 2013. № 181(7). - С. 185 - 194.- 0, 5 П.Л.

15. Ромашина Е.В. Общефедеральный компонент правовой системы регулирования противодействия коррупции органами местного самоуправления [Текст] / Е. В. Ромашина // Новый юридический журнал. 2013. № 3 - С. 7 - 12 . - 0, 5 П.Л.

16. Реализация органами местного самоуправления мер по противодействию коррупции. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук / Ромашина Е.В. — Белгород, 2013. — 23 с.

#### **V. Интернет ресурслари:**

1. <https://prokuratura.uz/>
2. <https://anticorruption.uz/>
3. <https://senat.uz/>
4. <https://toshvil.uz/>
5. <https://www.unodc.org/unodc/>
6. <https://www.oecd.org/>
7. <https://kun.uz>
4. <https://daryo.uz>